БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 75 (19.451). • 1986 йил 28 март, жума • Баҳоси 3 тийин.

КЎКЛАМ ДАЪВАТИ

Ҳали далаларда аччиқ изғирин эсиб турган кезлардаёқ Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда кўкламги ишларнинг аниқ плани белгилаб чиқилган эди. Офтоб тупроқни қиздириши биланоқ механизаторлар дарҳол экишга киришдилар. Ёнрик-ёнрик майдонларга беда, пиёз уруғи сочдилар, сабзи, карам, картошка экдилар. Гурлан районидаги «Правда», Самарқанд районидаги «Победа» колхозлари, Уйчи районидаги «Қизилравот», Қарши районидаги «Аврора» совхозлари ва бошқа хўжаликларнинг меҳнаткашлари ҳам ишларни ана шундай ғанимат муддатларда бажардилар. Илғор коллективлар техникани, уруғликни, ўғитларни ўз вақтида тайёрлаб қўйганликлари, меҳнатни ташкил этиш, унга ҳақ тўлаш прогрессив методларини жорий этаётганликлари, интизомни бузишга ва ишда бракка йўл қўймаётганликлари туфайли катта муваффақиятга эришмоқдалар.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди давлат агросаноат комитетлари, министрликлар, жойлардаги партия, совет органларининг диққат-эътиборини экишга тайёргарликни уюшқоқлик билан тугаллаш, кўклам юмушларини вақтида, сифатли ўтказиш, агросаноат комплексининг барча тармоқларига тегишли моддий ресурслар етказиб бериш топшириқларини бажариш зарурлигига қаратди. Зеро, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланганидек, «ПАРТИЯ ВА ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ БУНДАН БУЁН ҲАМ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН РИВОЖЛАНТИРАВЕРАДИ».

Бу йилги баҳорда республикамиз деҳқонлари катта ҳажмдаги ишларни бажаришлари — биргина пахтачиликнинг ўзида 2 миллион гектардан ортиқ ерга чигит экишлари керак. Ҳозир уларнинг ихтиёрида экиш-тикиш ишларини муваффақиятли ўтказиш учун зарур нарсаларнинг — техника, уруғлик, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмлар — ҳаммаси бор. Жумладан, турли хил маркали 201.236 та тракторлар, 45.719 та сеялка, 50.783 та культиватор, бир неча юз минг тонналаб уруғлик, ўғит, нефть маҳсулотлари улар хизматида. Галдаги вазифа — планлаштирилган пахта, дон, полиз, сабзавот, ем-хашак ва бошқа экинлар ҳосилини олишга эришиш учун колхозлар, совхозлар, агросаноат комплексларининг механизаторлари, раҳбарлари ва мутахассислари, қишлоқ хизмат қилувчи барча корхона ҳамда ташкилотларнинг ходимлари юксак уюшқоқлик, оперативлик, зўр ғайрат ва аҳиллик билан ишлашларидан иборатдир.

Пахтакорлар мўл ҳосил олиш умидларини аввало агрономия хизматининг пухта ишлашига боғламоқдалар. Бу хизмат мутахассислари зиммасига ҳосилдорликни ўстиришнинг, пахта, дон ва озуқа маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг асосий воситалардан бири — деҳқончиликнинг илмий асосланган зона системаларини жорий этиш вазифаси юклатилган. Уларнинг бурчи — ишни ташкил этганда ҳар бир технологик жараёнинг ўзига хос сифат белгиси билан бажарилишига эришишдан иборат.

Экишдаги муваффақиятли кўп жиҳатдан техника воситаларининг шайлиги ва механизатор кадрларнинг малакаси белгилаб бериши сир эмас. Фарғона, Тошкент, Андижон, Наманган областларининг кўпгина хўжаликлари машиналарни ўз вақтида ремонтдан чиқариб қўйдилар. Аммо, республикамизнинг бир қанча районларида бу иш анча чўзилди. Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРда машина-механизмларни қайта тиклашда сусткашликка йўл қўйилди. Аҳволни тўғрилаб олиш, иш суръати ва сифатини ошириш учун ремонтчиларга ҳамма шароитни яратиб қўйиш — агросаноат комитетлари ва бирлашмаларининг, колхозлар ва совхозлар раҳбарларининг энг зарур вазифалари сирасига киради.

«Совет Ўзбекистони» газетаси олаётган хат-хабарлар айрим жойларда эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари етарлича ғамлаб олинмаганлигидан дарак беради. Айрим хатларнинг муаллифлари машина-трактор парклариига эҳтиёт қисмлар ўз вақтида етказиб берилмаётганлигини, деталларни, тракторларни ремонт қилишдаги мушкулликларни редакцияга хабар қилганлар. Бу борада «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг Ленинскдаги филиали, Чирчиқ, Уйчи қишлоқ хўжалик машинасозлик заводлари сингари қатор корхоналар деҳқонлардан қарздор бўлиб қоляптилар. Баъзан транспортчилар ҳам агросаноат комплекси тармоқлари коллективларига панд бериб қўймоқдалар. Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси станцияларининг юк ортиш майдончаларида деҳқончилик учун зарур бўлган қанчадан-қанча маҳсулотлар мушток бўлиб ётибди. Бошқарма раҳбарлари уларга контейнерларни биринчи навбатда етказиб берилишини таъминлашлари, қишлоққа аталган юклар тезроқ элтиб берилиши устидан қатъий контроллик ўрнатишлари лозим. Хоразм, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд областлари хўжаликларига шу йилнинг ўтган ойлари ичида бир неча ўн минг тонна бензин кам берилди. Уларни ташиб беришни жадаллаштириш, колхоз ва совхозларда машина-механизмларнинг экиш пайтида узлуксиз ишлашини таъминлайдиган миқдорда нефть маҳсулотларини ғамлаб олиш даркор. Ёнилғини сарфлашдаги камчиликларни тугатиш, уни пухта ҳисобга олиш ва асраш ҳам ғоят муҳим вазифадир.

Кўклам сусткашликка тоқат қилмайди. Ҳатто зое ўтган бир кун ҳам кузда ҳосилнинг пасайишига сабаб бўлади. Зеро, халқимиз «кўкламнинг бир куни йилга татийди» — деб бежиз айтмаган. Партия комитетлари, қишлоқ коммунистлари дала ишларини аниқ ташкил этишлари, деҳқонларнинг таъсирчан социалистик мусобақаси ҳақида ғамхўрлик қилишлари, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усулларини, коллектив пудратини кенг жорий қилишлари лозим. Машина-механизмларни ишлатишда, ўғит солишда, ёнилғи сарфида ҳали ҳам учраб турган совуқконлик, интизомсизлик ва эскича ишлаш йўлларига мутлақо тўсиқ қўйиш, ўз вазифаларига виждонан қарамаётган, ишда бракка йўл қўяётган, халқ мулкини ардоқлаб асрамаётган кишилардан қаттиқ жавоб талаб қилишлари керак.

Ҳозир Давлат агросаноат комитетининг жойлардаги бўлинмалари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Улар ишни шундай олиб боришлари керакки, хўжаликларда мавсумда сусткашликка йўл қўйилмайдиган бўлсин. Ҳар бир колхоз ва совхоз ҳосилдорликни оширишга эришсин, маҳсулотнинг ҳамма турларини етиштириш ва давлатга сотиш планларини муваффақиятли уддалайдиган бўлсин. Бу, шубҳасиз, КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этишга, мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга оширишга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

Бу йилги баҳорни деҳқонлар ҳақли суратда жадаллаштириш баҳори деб атамоқдалар. Уни ҳар томонлама шайланиб кутиб олиш — ҳаммаининг, ҳар бир агросаноатчининг шарафли бурчи!

СССР мудофаа министрининг буйруғи

1986 йил 25 март № 68 Москва шаҳри

Белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни СССР Қуролли Кучларининг сафларидан запасга бўшатиш ҳақида ҳамда 1986 йилнинг апрель — июнь ойларида гражданларни навбатдаги ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш тўғрисида

СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли ҳарбий хизматчилар 1986 йилнинг апрель — июнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар сафидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг 1 бандида кўрсатилган ҳарбий хизматчилар запасга бўшатилиши муносабати билан чақириқ кунигача 18 ёшга тўладиган, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган эркак гражданлар, шунингдек чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқини йўқотган катта ёшдаги гражданлар 1986 йилнинг апрель — июнь ойларида Совет Армиясида, Ҳарбий-Денгиз Флотида, чегара қўшинларида ва ички қўшинлар сафида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталарда, батареяларда, эскадрильяларда ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали С. СОКОЛОВ.

М. С. Горбачевнинг Ш. Бинжадид билан учрашуви

М. С. Горбачев 26 мартда Кремлда Ш. Бинжадид билан учрашди.

М. С. Горбачев билан Ш. Бинжадид иккала дўст мамлакат ва халқ ўртасидаги муносабатларнинг характери ва даражасига юксак баҳо бердилар. Улар иккала давлат ва партия раҳбарлари ўртасидаги мулоқот учун ҳам, Совет Жазоир музокараларининг бутун бориши учун ҳам характерли бўлган ишонч, ҳамжиҳатлик ва хайрихоҳлик муҳитидан чуқур мамнуниятларини изҳор қилдилар.

СССР билан Жазоир ўртасидаги муносабатлар иккала давлатнинг узоқ муддатли манфаатлари негизига қурилаётганлиги, ҳамда бу муносабатлар бундан буён ҳар томонлама ривожлантирилиши учун яхши истиқболлар борлиги тасдиқланди. Бу муносабатларда вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай муаммони дўст мамлакатлар ўртасида қабул этилгани каби ҳал қилишга ҳар икки томоннинг тайёр эканлиги билдирилди.

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг энг муҳим масалалари, ҳар иккала мамлакат учун алоҳида аҳамиятли ўткир регионал проблемалар, ҳозирги вақтда вужудга келган умумий халқаро вазият муҳокама қилинди.

Суратда: учрашув пайти. ТАСС фотоси.

ҲАМЖИҲАТЛИК ВАЗИЯТИДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 26 март куни Кремлда Жазоир Халқ Демократик Республикаси президенти, Миллий Озодлик Фронти партиясининг Бош секретари Шадли Бинжадид билан музокара олиб борди.

Музокараларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри С. Л. Соколов, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин, бошқа расмий кишилар;

Жазоир томонидан — Ш. Бинжадидга ҳамроҳлик қилаётган расмий кишилар иштирок этдилар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятда ўтган музокаралар чоғида томонлар СССР ва Жазоирнинг социал-иқтисодий тараққиётда қўлга киритган ютуқлари ҳамда ҳар иккала мамлакат халқлари олдида турган вазифалар ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар.

М. С. Горбачев КПССнинг янги таҳрирдаги Программасини қабул қилган, партия Уставига киритилган ўзгартишларни тасдиқлаган ва 1986—1990 йилларда ҳамда 2000 йилгача бўлган даврда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишларини маъқуллаган КПСС XXVII съездининг иш якунлари тўғрисида гапириб берди.

Ҳозирги пайтдаги халқаро вазият проблемалари, шу жумладан Совет Иттифоқининг ядро хавфини бартараф этиш ва қуролланиш пойгасини тўхтатишга, ялпи тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилган сўнгги ташаббуслари юзасидан батафсил фикрлашиб олинди. Жазоир томонининг диққат-эътибори КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 15 январдаги Баёнотида таъриф лаб берилган ядро қуролини тугатиш программасига, партия XXVII съезди олға сурган халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини барпо этиш ҳақидаги таклифларга қаратилди.

Яқин Шарқдаги аҳволни муҳокама қилиш чоғида томонлар бу регионда ғоят хатарли вазият сақланиб қолаётганлигидан ташвиш билдирдилар. Яқин Шарқдаги аҳвол Исроил қўшинлари 1967 йилда босиб олинган барча территориялардан чиқариб юборилишини, Фаластин араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқлари таъминланишини кўзда тутувчи, региондаги барча мамлакатлар ва халқларнинг қонуний манфаатларини ҳисобга олувчи принципиал негизидагина адолатли ва мустаҳкам ҳал этилиши мумкиндлигини тасдиқланди. Музокаралар қатнашчилари Яқин Шарқда вазиятни кенг кўламда мустаҳкам ва адолатли ҳал этишга эришишнинг амалий йўли сифатида халқаро конференция чақирилиши учун Совет Иттифоқи ва Жазоирнинг, бошқа араб мамлакатларининг бирга ликдаги куч-ғайратини активлаштириш зарурлигини айтдилар.

Музокаралар чоғида АҚШнинг суверен Ливия давлатига қарши тажовузкорлик ҳаракатлари кескин қораланди, Ливия учун мана шу қийин соатларда ливия халқи билан бирдамлик тасдиқланди.

Музокаралар вақтида ядро уруши хавфини тугатиш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқларнинг мустақиллик ва социал тараққиёт ҳуқуқларини таъминлаш учун курашда барча прогрессив ва тинчликсевар кучлар баҳамжиҳат ҳаракатларини мустаҳкамлашнинг катта аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Музокаралар давом этти рилади.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати Катта Кремль саройида меҳмон шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда М. С. Горбачев, А. А. Громико, Н. И. Рижков, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, С. Л. Соколов, Н. В. Тализин, А. Ф. Добринин, А. Н. Яковлев ўртоқлар, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфатда М. С. Горбачев билан Ш. Бинжадид нутқ сўзладилар. Уларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан қутиб олинди.

* * *

ЖХДР раҳбари В. И. Ленин мавзолейини зиёрат қилди ва гулчамбар қўйди. Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

(ТАСС).

МИЛИТАРИСТЛАР ЖИЛОВЛАБ ҚЎЙИЛСИН

Дунё яна бир сиёсий телбаликнинг гувоҳи бўлди: Американинг Невада штати полигонида яна ядро қурилмаси портлатилди. Унинг қуввати Хиросимага ташланган бомбадан бир неча баравар кўпдир. Совет Иттифоқи ядровий синовларни бир ёқлама тўхтатиб қўйганидан бери ўтказилган шу саккизинчи портлатиш сифат жиҳатидан янги қурол турларини, биринчи навбатда «самовий урушлар» программасидаги космик қуролларни яратиш борасидаги ишлар билан бевосита алоқадордир. Барча совет кишилари америкалик милитаристларнинг шу шармандалиги ишидан дарғазаб бўлдилар.

Ҳарбий жиҳатдан устунликка эришиш телба ғоясига ёпишиб олган Вашингтон маъмурияти, дейилади ВЦСПСнинг совет меҳнаткашларидан 137 миллион киши номидан берган баёнотида, АҚШда реал фикр юритувчи сиёсий доираларнинг талабларини, миллион-миллион оддий америкаликларнинг овозини ҳеч бир писанд этмаётганлигини кўрсатди. Ана шу милитаристик иш — тинчликсевар халқларга сурбетларча қилинган дадғаға, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг ҳаётий манфаатларига зид ҳаракатдир.

Невададаги портлаш қуролланиш пойгасини жиловлашга бўлган орзу-умидларни қоронғулаштиради. Ҳолбуки қуролланиш пойгаси бугунги кундаёқ жуда катта моддий ва молиявий ресурсларни ютмоқда, замонамизнинг жуда муҳим социал-иқтисодий проблемаларини ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда. Бутун дунё меҳнаткашлари ва халқларининг манфаатлари йўлида шу ресурсларни ишсизликни тугатишга, турмуш даражасини оширишга, атроф — муҳитни муҳофаза қилишга, инсониятни очлик ва касалликдан, қашшоқлик ва саводсизликдан ҳалос этишга сарфлаш, Ер юзида қуролланиш пойгасига чек қўйиш ва космосда шундай пойганинг олдини олиш керак.

СССР шу аср охиригача ядро қуролини тугатишдек ҳақиқий новаторлик планини — инсониятни ядровий қуролдан қирилиб кетиш хавфидан қутқариш учун реал истиқбол очиб берувчи планни олға сурган шароитларда, дейилади «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи врачлар» Совет комитетининг баёнотида, Америка маъмурияти халқлар ва ҳукуматларнинг орзу-умидларини мутлақо назар-писанд этмаётганлигини кўрсатмоқда. Совет врачлари АҚШнинг бу ишига қарши норозилик билдирмоқдалар ва уни ғазаб билан қораламоқдалар. Масъулият ҳиссини сезган ва халқларнинг Ер юзида ядро қуролисиз мустаҳкам тинчликни таъминлаш хоҳиш-иродалари билан ҳаракат қилаётган совет врачлари чет эллардаги минглаб ҳамкасблари билан бирга АҚШ ҳукуматидан ядро қуроли синовларини дарҳол тўхтатишни талаб қилмоқдалар.

Улар жаҳондаги ҳамма врачларга мурожаат этиб, АҚШни телбалик йўлидан воз кечган ҳолда Совет Иттифоқининг ядровий синовларни тўхтатиб қўйганлигига қўшилишга яна бир карра даъват қиладилар.

Вашингтонда «ўз хавфсизлиги тўғрисида қайғуриш» ниқоби остида Ер юзида қуролланиш пойгасини кучайтириш ва уни космик фазога ҳам ёйиш хатарли режалари жадаллаштирилаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди, деб таъкидланади Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун курашувчи Совет комитетининг баёнотида. Совет жамоатчилиги жаҳондаги барча тинчликсевар кучлар билан, ядро қуролига қарши кучайиб бораётган ҳаракат билан бирга Америка ҳукуматидан инсониятни ядровий қурол билан ўзини ўзи қириб ташлаш жарига итаришни тўхтатинг, деб қатъий талаб қилади.

Биз ҳоҳ Европада, ҳоҳ Америкада — қаерда бўлмасин, реал фикрловчи барча кишиларга мурожаат этиб, Вашингтондаги доиралар хатти-ҳаракатини тўхтатиб қолинг, амалий халқаро битим асосида ядровий қурол синовлари ва батамом тақиқланишига эришинг, деб даъват қиламиз.

Невада полигонидаги ядровий портлатиш — яхши ниятли кишиларнинг инсоният боши узра пайдо бўлган ядровий фалокат хавф — хатарисиз яшашга бўлган орзу — умидларига путур етказишдир, дейилади Совет хотин-қизлари комитетининг баёнотида. Бу миллион-миллион кишиларда халқаро вазиятни соғломлаштириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдирган Женева руҳига путур етказишдир. Бу СССР эълон қилган ва муҳлати ҳозиргача икки марта узайтирилган ҳар қандай ядровий портлатишларни тўхтатганлигига нисбатан АҚШ ҳозирги маъмурияти салбий муносабатининг очиқ ифодасидир. Совет хотин-қизлари ядровий портлатишлар дарҳол тўхтатилсин ва ядро қуроли синовлари тақиқлансин, деб талаб қиладилар, дейилади баёнотда.

Совет олимлари Қўшма Штатлар 22 март куни Невада штатидаги полигонда ядро қурилмасини синаб кўрганлиги тўғрисидаги ҳабарни эшитиб қаҳр-ғазабга келдилар. АҚШ қуролланиш пойгасини тўхтатишга реал имконият вужудга келганлигидан фойдаланиш нитагида эмаслигини очиқ намойиш қилди, деб таъкидланади уларнинг баёнотида. Невададаги ўтказилган портлатиш Вашингтоннинг «дунёни ядро қуролидан қутқариш» нияти тўғрисидаги баёнотлари ҳақиқий қимматини кўрсатди, АҚШнинг ҳақиқий йўли ҳужумкор ядровий потенциалларни тўплаш ва такомиллаштиришдан иборат эканлигини намойиш этди. АҚШнинг ҳарбий — стратегик устунликка эришиш йўли яна бир марта тасдиқланди. Бизнинг профессионал билимимиз мислсиз қуролланиш пойгасининг фалокатли оқибатларини олдиндан кўришга имкон беради.

Биз КПСС XXVII съездида инсоният келгуси асрга ядро қуролисиз кириб бориши керак ва кира олади, деб айтилган ишончга қўшиламиз.

Совет олимлари Вашингтоннинг янги ядровий авантюризми муносабати билан жаҳон жамоатчилигининг норозилигига қўшиладилар. Биз барча мамлакатлар олимларининг билими вайронагарчилик учун эмас, балки бунёдкорлик мақсадларига, Ер юзида цивилизациянинг ҳалокати учун эмас, балки унинг равнақ топишига хизмат қилиши кераклигига ишонамиз.

Биз ядро қуролининг ҳамма синовлари дарҳол тўхтатилсин, бундай синовларни батамом ва ялпи тақиқлаш тўғрисида шартнома тузилсин, деб талаб қиламиз.

(ТАСС).

ЁЗГИ ВАҚТГА ЎТИЛАДИ

СССР ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссияси 30 март якшанба куни Совет Иттифоқининг бутун территориясида ёзги вақт жорий этилишини маълум қилади.

30 март соат 2 да соат стрелкасини бир соат олдинга суриб қўйиш билан ёзги вақтга ўтилади.

КОМПЬЮТЕР ВА МИРОБ

Мамлакат ирригациясининг афсонавий тўнғичи бўлган Усмон Юсупов номли Катта Фарғона канали бошқарув системасига электрон ҳисоблаш машинаси уланди. Компьютер Норин дарёсидан олинадиган ва каналдаги 40 дарвоза орқали районлараро ва хўжаликлараро шохобчаларга узатиладиган сувни аниқ ҳисоб-китоб қилиб боради.

Зарафшон водийсидаги Миёнқол — Хатирчи каналини бошқариш ҳам биринчи марта автоматик режимда синаб кўрилди. Район маркази Пайшанбада ўрнатилган электрон ҳисоблаш машинаси 33 километр узунликдаги каналнинг ишини бошқариб, ким қанча сув олганлигини ҳисоблаш билан бир қаторда илгаридан белгилаб қўйилган программага мувофиқ нормадаги сувни ўлчаб ҳам берди.

— Энди керагим бўлмай қолибдида? — деди 56 ёшли сув пости созловчиси Мирза Умаров хўрсиниб. У Катта Фарғона канали бошқарув пультида туриб ҳамма нарсанинг гувоҳи бўлган эди.

Мирза ёшлик кезларида тўғон дарвозаларини ғилдиракни айлантириб очар эди, бора-бора кичкинагина мотор ҳам пайдо бўлди. Мана энди тўғон ҳам, сув постлари ҳам 40 километр нарида ўтирган диспетчер қизнинг измида. Аммо мироб бошқарув пульти хонасидан хомуш бўлиб чиқиб кетди: автоматлар-ку дуруст, лекин ишга зиён етмасмикан?

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ Ш. ШОИСМОИЛОВ ФИКРИ:

— Ҳозир республикада минг километрдан зиёд узунликдаги йирик магистрал каналлар, 9 та сув омбори телемеханик назорат ва бошқарувга ўтган, 45 та телемеханик бошқарув системаси ишлаб турибди. Тошкент яқинидаги Нариманов шаҳрида автоматика ва телемеханиканинг илмий — саноат базаси вужудга келтирилган. «Водремстроймаш» бирлашмасига қарашли «Узводприборавтоматика» лойиҳа-технология бюросининг сув ўлчагич асбоблари ва бошқа маҳсулотларини республикадан ташқарида ҳам яхши биладилар.

Эндиликда областлар, ҳавзалар, масалан, Зарафшон ҳавзасини бошқарувнинг автоматлаштирилган системаси таркиб топмоқда. Министрлик эса булар билан тармоқ системаси орқали боғланган. Бу система ўз навбатида ҳамма каналларга сув келишини, унинг энг йирик истеъмолчилар ўртасида тақсимланишини ҳамда сув омборларининг тўлдирилишини ҳамиша назорат қилиб туради ва пухта, аниқ оптимал қарорлар қабул қилади. Бусиз муассасамизнинг ишини тасаввур қилиб ҳам бўлмайди.

«СИРДАРЁ» АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРУВ СИСТЕМАСИ ЛОЙИҲАСИНИНГ БОШ ИНЖЕНЕРИ Ю. ТОЛСТУНОВ ФИКРИ:

— Таассуфки, олдинги миробларнинг ҳаётий ва касб-кор эътиқодларининг қатъийлигига, айтиш мумкинки, муқаддаслигига сўнггги йилларда путур етди. Маҳаллий ҳокимият органлари сувни тез-тез талашиб — тортишиб олиб қўймоқдалар. Кимки канал тепасида бўлса, у наф кўрмоқда.

Сув ресурсларини тақсимлашга қатъий тарзда аралашиш зарур, деб ҳисоблайман. Бу гап, аввало дарёлар ҳавзаларига таллуқлидир. Масалан Сирдарёни оладиган бўлсак, бу аслида илгаридан тақсимлаб қўйилган сув манбаидир. Сирдарё тўрт республика — Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон ерларидан оқиб ўтади ва бу дарёдан сув олиш миқдорлари белгиланган қўйилган. Бу ҳужжатларда қайд этилган Сирдарёдан сув олиш миқдори шу йилнинг ўзидаёқ икки баравар камайиши мумкин.

Ана шу дарё ҳавзаси учун тузилаётган автоматлаштирилган бошқарув системаси қаттиққўл ва холис мироб ролини ўйнаши мумкин. Амударё учун ҳам автоматлаштирилган бошқарув системаси лойиҳаси тузилади.

«Сирдарё» автоматлаштирилган бошқарув системасининг ҳоли нима кечмоқда? Тошкент шаҳрида марказий диспетчерлиқнинг олти қаватли биноси қад кўтарди. Гулистонда, Киров каналида пультлар ҳам бор. Автоматлаштирилган бошқарув системасининг Мирзачўл учун мўлжалланган биринчи навбатини 1983 йилда ишга туширишни мўлжалланган эди. Лекин, бу иш ҳанузгача ҳам тугалланган йўқ. «Главсредазирсовхозстрой» раҳбарлари ана шу объектда ишни тўхтатиб қўйдилар. Республика ва Иттифоқ мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари ҳам бу лойиҳа тақдирига бефарқ қарамоқдалар.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ КАНДИДАТИ, ЎРТА ОСИЁ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ А. ҚОДИРОВ ФИКРИ:

— Телемеханика яхши нарса, компьютер эса аъло, лекин энг муҳими пировард натижадир. Ҳозиргача ирригация системаларининг фойдали иш коэффициенти 60 процент атрофидадир. Бу ҳол ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистонда ҳар гектар ҳайдаладиган майдонга 17,5 минг кубометр сув сарфланди. 1985 йилда эса бу кўрсаткич 15,5 минг кубометрни ташкил этди. Бу нормада белгиланганидан бир ярим баравар кўпдир. Бунинг устига норманинг ўзи ҳам анча кўпайтириб белгиланганини инобатга олишимиз керак.

Электроникага тараф йўқ, ҳозир эса суғоришнинг анъанавий усули — эгатларга сув тараш устун бўлиб турибди. Суғоришнинг тежамлироқ усулларини — томчилаб суғоришни, тупроқ остидан суғоришни жорий этиш пайти келди. Озуқабоп экинлар экилган майдонларда ёмғирлатиб суғориш, эгат олиб суғорилганда эса эгилувчан шланглардан, енгил қувурлардан фойдаланиш фурсати етди. Ўрта Осиё шароитида суғоришнинг янги техникаси бўйича хўжалик ҳисобида ишлайдиган ташкилотлар зарур.

Яна бир масала. Келаётган ва тақсимланаётган сувни ҳисоб-китоб қилаётганда омилкорлик билан иш кўраётган компьютер — мироб бошқа бир масалани ҳам эслатиб туриши лозим. Илгари сув гўё ўзи оқиб келаверар ва анъанага кўра, текинга берилар эди. Эндиликда эса дарёларга қимматга тушаётган тўғонлар солинди, энергетика билан жиҳозланган насос станциялари қурилди. Амударё ҳавзасидаги бир кубометр сув ўртача 5 тийинга тушади, Сирдарёда эса 10 тийин туради. Эндиликда ирригацияни хўжалик ҳисобига ўтказиш, суғориш сувини пулга чақиш вақти келди. Бунинг учун суғориш тармоқларини реконструкция қилишга тўғри келади. Лекин фақат шу йўл билангина сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни жадаллаштириш мумкин. Ўрта Осиёда сув тақчил бўлаётган бу йил ана шуни яна бир карра эслатиб қўймоқда.

Г. ДИМОВ,
«Известия» мухбири. Тошкент.

(«Известия» газетасининг 1986 йил 22 мартдаги № 82 сони. Газетанинг Москва учун чиқарилган оқшомги сони).

ЧКПнинг XVII СЪЕЗДИДА

ПРАГА, 26 март. (**ТАСС махсус мухбирлари**). ЧКПнинг XVII съезди уч кундан бери ўз ишини давом эттирмоқда. Делегатлар ЧКП Марказий Комитетининг Сиёсий докладини, Марказий Комитетнинг партия XVI съезди қарорлари қандай бажарилганлиги тўғрисидаги ёзма ҳисоботини, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларини муҳокама қилмоқдалар.

ЧКП Марказий Комитетининг ёзма ҳисоботида таъкидланишича, Чехословакия Коммунистик партияси мустаҳкам, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслашган, халқни ривожланган социализм қурилишини давом эттириш йўлидан муваффақиятли равишда бошлаб бора оладиган партиядир. Қардош партияларнинг, аввало Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тажрибаси унинг учун илҳомбахш манбадир. Совет коммунистларининг XXVII съезди, унда қабул этилган ҳужжатлар ЧКП учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўтган даврда аввало социалистик иқтисодий интеграция ҳисобига Чехословакия экономикасининг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки ошди. Айниқса СССР билан кооперация ва ихтисослашув янада чуқурлаштирилди.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик Чехословакия экономикасини интенсив ривожлантиришнинг тобора салмоқли омили бўлиб қолмоқда.

XVI съездан кейин ва 70-йиллар бошлангандан бўён ўтган бутун давр мобайнида эришилган натижалар, дейилади ЧКП Марказий Комитетининг ёзма ҳисоботида, партия социалистик жамиятдаги етакчилик ролини муваффақиятли бажариб келганини яққол исботлаб турибди. У партия сафларининг ўсишига, унинг составига, сифат ва софлигига биринчи галда эътибор берди.

Ривожланган социалистик жамият қуриш соҳасида ЧКПнинг XVI съезди ўртага қўйган вазифалар Совет Иттифоқи билан ва Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилишни ва баҳамжиҳат ҳаракатларни мувофиқлаштириб олиб боришни, марксизм-ленинизм принципларидан, ташқи сиёсатда пролетар ва социалистик интернационализм принципларидан изчиллик билан фойдаланишни талаб қилганлиги ҳужжатда таъкидлаб ўтилади. Совет Иттифоқи билан муносабатларни ривожлантиришга биринчи навбатда аҳамият берилди. Бу муносабатлар ўзининг мазмуни, динамикаси ва кўлами жиҳатидан ғоят юқори даражага кўтарилди. ЧКП билан КПССнинг бузилмас иттифоқи, алоқаларни ривожлантиришга ва ҳамкорликни кенгайтиришга умумий интилиш бу муносабатларнинг пойдеворидир. Иккала қардош партия ўртасидаги муносабатлар тўла ишонч ва қарашларнинг бирлиги билан характерланади.

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контроли Комитетининг раиси М. С. Соломенцев бошчилигида ЧКП XVII съезди ишида қатнашаётган КПСС делегацияси бугун пойтахтдаги «ЧКД-электротехника» заводига борди. Мамлакатнинг етакчи корхоналаридан бири бўлган бу завод Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги шериклари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда. Корхона ўз маҳсулотини деярли барча социалистик мамлакатларга юбориб турибди.

Корхонада Чехословакия — Совет дўстлиги митинги бўлди, митингда самимий кутиб олинган М. С. Соломенцев нутқ сўзлади. У Чехословакия ишчилар синфига, меҳнаткашларига совет коммунистларидан, барча совет кишиларидан самимий қардошлик саломи топширди.

Ўз мамлакатларини идора қилаётган коммунистик партияларнинг ҳар бир съезди, деди у, мамлакатларимиз ҳаётида чуқур из қолдирмоқда, миллион-миллион кишиларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда, уларнинг фаолиятига катта шижоат бахш этмоқда. Чехословакия Коммунистик партиясининг съезди ҳам, шубҳасиз, мана шундай съездлардан биридир.

Бизнинг партиямиз ўзининг XXVII съездида белгиланган мақсадлар сари дадил олга силжишни таъминлашга, замон билан бирга одим ташлашга, замон талабларига аниқ-равшан жавоб беришга асосланди. Съезд қабул қилган қарорларнинг кенг миқёси ҳам шу билан белгиланади.

Съезд совет кишиларига жуда катта таъсир ўтказди, омманинг сиёсий активлигини ва меҳнат ғайратини жўш урдириб юборди. Партиянинг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш соҳасида халқ якдиллик билан қўллаб-қувватлаган йўли бутун фаолиятимиз учун, келажакка мўлжалланган жамики режаларимиз учун асос бўлди. Вазифалар белгилаб олинган ҳозирги пайтда режаларни турмушга татбиқ этиш соҳасида зўр ғайрат билан ҳаракат қилиш вақти бошланди. Бутун мамлакатимизнинг фикри-зикри мана шунда, турмушимизнинг бутун маромини шу билан белгиланади.

ЧКПнинг XVII съезди шонли даврда ўтмоқда — мамлакатларимиз, халқаро коммунистик ҳаракат тарихидаги унутилмас воқеа — Чехословакия Коммунистик партияси тузилган куннинг 65 йиллиги яқинлашиб келмоқда.

Бу тарихий воқеа Чехословак ишчилар синфининг ёш Советлар мамлакати билан интернационал бирдамлигидан ажралмасдир. В. И. Ленининг Чехословак революционерларини ўртоқларча қўллаб-қувватлаганлиги ва уларга берган маслаҳатлари ЧКПнинг қарор топиши учун нақадар зўр аҳамиятга эга бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз. Ғоявий муштараклик, синфий бирдамлик анъаналарини миллион-миллион Совет ва Чехословак коммунистлари ардоқлаб асрамоқдалар ва кўпайтирмоқдалар. Ўша олис йилларда қўйилган пойдевор устида энди халқларимиз дўстлиги ва қардошлигининг азим биноси барпо этилди. Келинглар, бундан буён ҳам дўстлигимиз ва қардошлигимиз мустаҳкамланавериши учун ҳамма ишни қилайлик!

М. С. Соломенцев сўзининг охирида Чехословакия Коммунистик партиясининг XVII съезди қарорларини бажаришда корхона коллективига катта муваффақиятлар тилади.

В. РЖЕВСКИЙ.
Ю. ТРУШИН.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Поп районидаги нотўқима материаллар фабрикасида янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу — «Чайка» рўзғор пилесосларининг фильтрларидир. Корхонада халқ истеъмоли моллари цехи очилди. Тўқимачилар ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида шу цехда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 300 минг сўмгача етказиш мажбуриятини олдилар.

ДАСТГОҲЛАР КЎПАЙДИ

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг дастгоҳлар паркига янги станоклар қўшилди. Рақамли программа билан бошқариладиган 17 та дастгоҳда ишга туширишсозлаш ишлари ўтказилди. Янги машиналар тўла қувват билан ишлаб, маҳсулот бера бошлади.

АВТОМАТ ТАРЗДА

Олмалиқ рўзғор химияси заводида ўнлаб ишчилар бир зайлдаги қўл меҳнатидан озод бўлдилар. Бу ерда кир ювиш воситаларини автомат тарзда жойлайдиган линия ишга туширилди. Корхонани реконструкция қилиш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш доирасида маҳсулот қадоқлашни шу йилиёқ тўла автоматлаштириш мўлжалланган.

[ЎзТАГ].

Партия турмуши: сўз ва иш бирлиги

ДАДИЛЛИК ВА ИЗЧИЛЛИК КЕРАК

Партиямиз XXVII съездида иштирок этишга муяссар бўлдим. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий доклади ва съезднинг бошқа ҳужжатлари билан батафсил танишиб, мамлакатимиз коммунистларининг улкан анжумани янги тараққиёт босқичини бошлаб берганлиги, совет кишилари фаровонлигини янада ошириш йўлида қатъий ва катта қадам қўйилганидан ҳамма қатори жуда мамнун бўлдим. Съезд жумладан саноатни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини кескин яхшилашга алоҳида эътибор берди.

Цемент — қурилишнинг нони. Комбинатимиз бундан тошқари шифер, оҳак, алебастр ҳам ишлаб чиқаради. Яқинда бўлиб ўтган партия йиғилишида асосий эътибор КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида маҳсулотнинг сифатини яхшилашга қаратилди. Ҳақиқатан ишлаб чиқариш топшириқларини системали бажара оляпмизми? Маҳсулот сифати талаб даражасидами?

Комбинатимиз ўтган беш йилликда пландагидан қарийб 100 минг тонна цемент ва 32 миллион дона шартли плита шиферни кам етказиб берди. Айниқса, ишлаб чиқарилган шиферлар сифатига жиддий эътирозлар билдирилмоқда. Ёқилғи ва электр энергияси сарфлаш кўпайиб кетди. Бу камчилик ва нуқсонлар область партия конференциясида ҳам қаттиқ танқид қилинди.

Планлар бажарилмай қолишининг туб сабаблари нимада? Бунинг боиси шуки, корхонамиздаги энг муҳим машина ва механизмлар маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган. Бу ерда кўплаб машиналар қарийб 30—40 йилдан буён ишлатиб келиняпти. Тўғри, комбинатимизда реконструкциялаш ишларига қўл урилганди. Аммо бу иш қисман бажарилиб, ишлаб чиқаришда жиддий ўзгариш ясалмади. Орадан беш йил ўтгач, клинкер ва цемент ишлаб чиқарадиган қувватлар ҳажми бир оз оширилди-ю, майдалаш — хом ашё тайёрлаш бўлими қуввати эса илгариги даражада қолиб кетди. Асосий технологик жараёнларни хом ашё билан системали таъминлашда узилишлар юз бераётганлигининг сабаби шундадир.

Машина ва механизмларнинг эскирганлиги уларни тез-тез ишдан чиқишига олиб келмоқда. Натижада қанчадан-қанча қўшимча маблағ, вақт ремонт учун сарфланяпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш графиклари бузилаётир, сифат ва самарадорликка путур етмоқда.

КПСС XXVII съездида сўз ва иш бирлигини таъминлаш, ташаббускорлик ва омилкорликка эътиборни кучайтириш зарурлиги уқтирилди. Биз ўз ишимизга ана шу талаблар нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу соҳада зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммолар борлиги яққол намоён бўлади. Комбинат маъмурияти билан партия комитетидан тортиб — республика Бинокорлик материаллари саноати министрлигигача ушбу корхона реконструкцияси ҳақида бир неча йилдан буён гап-сўз бўляпти-ю, аммо сира ҳам амалий ишга ўтилмаяпти.

Майдалаш-саралаш бўлими қурилишини тезлаштириш, хом ашё — клинкер омборларини кенгайтириш, хом ашё цехини янги механизмлар билан таъминлаш, транспортировка линиялари ишини яхшилаш ҳозирги кунда қилиниши лозим бўлган энг муҳим вазифалардандир. Бу ишларни амалга ошириш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб қўйилган, машина ва ускуналарнинг бир қисми ташиб ҳам келтирилган. Бироқ комбинатимиз раҳбарлари ҳамон эскичасига ишлаётгани, корхона олдида турган муаммоларни ҳал этишда қатъиятлик ва принципиаллик кўрсата олмаётгани, ташаббускорлик, тадбиркорлик фазилатлари етишмаётгани сабабли бу ишларни амалга ошириш пайсалга солиб келиняпти.

Корхонамизнинг юксак талаблар даражасида ишлай олмаётганлигида биз, коммунистларнинг, партия ташкилотининг ҳам айби бор. Бошланғич партия ташкилоти ўз ҳуқуқларидан етарли фойдаланмаяпти, ишга беэътиборлик ва журъатсизлик билан қараш ҳолларига қарши жиддий кураш олиб бормаяпти. Тўғриси, унинг фаолиятида жанговарлик сезилмаётир. Оқибатда ўтган беш йиллик давомида фан-техника тараққиётига етарли эътибор бермадик.

Ватанимиз пойтахтидан кўтаринки руҳ билан қайтдик. Съезд кунлари ўтюрак, очиқ кўнгил, маънавий оламли бой новатор ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар билан суҳбатлашдик. Турли муаммолар юзасидан баҳслашдик. Ана шу кишилардаги ижодкорлик, сабот-матонат, қатъият ва изланиш каби фазилатлар менда катта таассурот қолдирди. Муҳими, мамлакатимиз коммунистларининг буюк анжумани қандай меҳнат қилиш, қурашиш ва яшаш лозимлигини аниқ-равшан кўрсатиб, истиқболимиз режаларини белгилаб берди. Биз КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш йўлида куч-ғайратимизни ва тажрибаларимизни аямай меҳнат қиламиз.

А. ЎТАНОВ,
Қувасой цемент комбинати машинисти, КПСС XXVII съезди делегати.

30 МАРТ КУНИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА БИРИНЧИ МАРОТАБА ХОТИРА КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ

ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАР

ЯНГИ АНЪАНАЛАР НОВЫЕ ТРАДИЦИИ

Вера Алексеевна эрининг қабри тепасида, таъзим этиб турган тўрт-беш чоғли одамни узоқдан қоралаб борарканман, уларни олисдан таниди — Зоновнинг ҳамкасб дўстбиродарлари...

Қабр атрофи супуриб-сидирилган, ўриндиқлар бўялган, ювиб-таралган ёдгорлик тоши устида эса бир қучоқ гул яшнаб ётарди.

Аёл улар билан самимий кўришаётиб, кўзларига ёш олди. Умр йўлдоши Андрей Максимовичнинг ҳамкасбларини ҳар кўрганида у шундай ҳаяжонга тушади. Уларнинг Зоновга бўлган меҳр-оқибатлари, яхшиликлари кўз олдидан бир-бир ўтиб бошлайди:

...Ўшанда у Москвада — қариндошлариникида эди. Эри Тошкентда — уйда ёлғиз қолганди.

— Зоновнинг уйидан ёнғин чиқди. Аҳволи оғир. «Тез ёрдам»ни чақирдик, — дейишди қўшнилари институтга телефон қилиб.

Қишлоқ қурилишини лойиҳалаш институтининг директори ўша заҳотиёқ бир неча ходими билан Зонов хонадонига етиб келганида, Андрей Максимовични «Тез ёрдам»га олиб чиқишаётган эди. Институт ходимларидан икки киши беморга ҳамроҳ бўлиб, касалхонага жўнаб кетди.

Ўт тушган уйга бош суқиб бўлмасди. Рўзғор анжомлари қуйиб, ҳаммаёқни қурум босган, шифтга қараб бўлмасди...

Директор ишхонага қайтиб келди, Андрей Максимович ётган клиникага телефон қила бошлади:

— Аҳволи қалай? Ўзига келдими?

— Оғир. Қон қуйиш керак, — қисқа жавоб беришди касалхонадан.

Институт ходимларидан Р. Мирзиянов, С. Қодиралиев, В. Зимин, С. Митильман, В. Пак, Ю. Кустов, В. Остерлар дарҳол клиникага етиб боришди. Улар беморга қон бериб туришди.

Институт партия ташкилотининг секретари В. Гудков, касаба союз комитети раиси А. Лим, иккинчи устахона бошлиғи В. Зиминнинг қадамлари ҳам касалхонадан узилмай қолди.

— Андрей Максимович шу аҳволда ётсаю, оёғимизни узатиб ўтира олармидик, — дейишарди лойиҳачилар. — Зонов биримизга ота, бошқамизга ака, меҳрибон ўртоқ, дўст... Бизга меҳнати кўп синган. Ишхона деса жонини ҳам аямайди.

Ҳамкасблар касалхона ҳовлисига чиқиб, бемор ётган палата рўпарасидаги ўриндиққа қалдирғочдек тизилиб олишди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган, лекин ҳеч ким уйига ошиқмасди. Суҳбат бенхтиёр Андрей Максимовичга келиб тўхтади.

— Янги ишга келган йигит бор-ку, ўша биринчи маошини «ювмоқчи» бўлибди, — деди кимдир гап бошлаб.— Буни Андрей Максимович эшитиб қолиб, у билан ҳоли гаплашибди:

— Ҳаётингни ичкиликдан бошлама, йигит. — дебди. — Оқибати ёмон бўлади. Ўша пулга сени вояга етказган, ўқитиб одам қилган отаонангга совға-салом ол. Биринчи ўқитувчингга гул ҳадя эт...

— Эсингдами, — деди йигитлардан бири ёнида ўтирган шеригига қараб, — ишга сурункасига кечикиб келганинг учун сени мукофотдан қолдириш масаласини кўтариб чиқиб, бунга эришмагунча қўймади.

— Мени эса чекишни ташлаганингдан кейин ишга келарсан, деб кабинетидан чиқариб юборган, — кулиб қўшимча қилди бошқаси. — Айтганини қилиб, кам бўлмадик. Очиғи унга шогирд тушган кишига ҳавасим келади. Тўғри, вақти келса ўтақетган қаттиққўл, бир вақт қарасанг ундан юмшоқ, меҳрибон одам йўқ. Пулимиз қолмаса, чўнтагида борини бўлишади. Касал бўлиб қолсанг, биринчи бўлиб эшик қоқиб кириб келади...

— Э, оғайнилар. Ҳеч ким унинг олдида менчалик изза бўлмагандир, — деди йигитлардан бири тиззасига уриб ўрнидан турар экан. — Шу пайтгача бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим демагандим. Уёғини сўрасангиз, ишга янги келган кезларим. Хотиним билан негадир чиқишолмай қолдик. Ишхонамга арз қилиб келибди. Кимдир уни эрингнинг устози деб, Зоновга дуч қилибди.

Бир вақт Андрей Максимович мени йўқлаб қолди.

— Келишиб олайлик, оғайни, фақат эркакчасига, рўй-рост гаплашамиз, — деди у жиддий. — Қани айтчи, уйга ичиб, кеч қайтишинг, маошингни оилангга сарфламанглигинг ростми? — деб сўради.

Алдаёлмадим. Негаки, рост гаплашишни аҳдлашиб олгандик-да. Умрим бино бўлиб, отамдан ҳам бунақанги дашном эшитмаганман...

—...Ё болалар ўзингники эмасми?, — деб қолса бўладими бирдан. Кўзларим қинидан чиқиб кетаёзди. Ёқасидан олворгим келди...

— Ҳа, қанақа бўларкан,— деди у ҳам бўш келмай, — Болалар бировнинг фарзанди эмасми, десам оринг келади. Лекин улар мактабга уст-боши юпун, кўнгли ўксик кетса уялмайсан, эзилмайсан... Улар ҳар куни нима билан тамадди қилишади? Қандай яшашади? Булар билан қизиқмайсан. Хотин боши билан рўзғорнинг қай бирини эпласин?! Хотининг фил экан. Эсинг борида кўзингни оч. Акс ҳолда... уч фарзандинг, оилангнинг уволи тутади...

Очиғи, шу суҳбатдан сўнг ҳаётга бошқатдан келгандай бўлдим. Шундай қилиб, оғайнилар, Андрей Максимович оиламни сақлаб қолган...

— У йиғлаб-сиқтаб арз қилиб келадиганларнинг ҳаммасига ҳам лаққа ишонавермасди, — деди Зинин гап қўшиб. — Ҳов, ишхонамиздан бўшаб кетган инженер бор-ку... Ўшанинг хотима деб жавоб берамиз, — деди кимдир бўғиқ овозда.

...Зоновнинг умр йўлдоши эрталаб Москвадан учиб келганди. Аэропортда ўзини Андрей Максимович эмас, балки унинг ҳамкасби кутиб олганидан ҳайрон бўлиб:

— Нима гап, Галочка, Андрей қани? — деди у жон ҳолатда.

— Бир оз тоби қочиб қолди. Ҳозир эса аҳволи яхши. Ўзингизни босинг.

— Йўлдан чарчаб келгансиз, уйингизга бориб даммингизни олинг. Биз эса бунда... — дея эрининг дўстлари уни қўйрда-қўймай уйига жўнатиб юборишди.

Ўшанда Вера Алексеевна уйига келиб, ҳангуманг бўлиб қолди. Эрининг биродарлари яна бир илтифот кўрсатишганди. Уйи янги ремонтдан чиққан, ҳали пол бўёқлари қуриб улгурмаганди.

— Уйдан тутун исларини йўқотиш учун у ёқ бу ёғини бир сидра мойлаб қўйдик,— деди Галина Евгеневна.

— Бир сидралигини кўриб турибман. Раковинагача алмаштирилибди-ю, — Раҳмат, раҳмат, сизларга, — деди у яна кўзларига ёш олиб. — Фарзандларимиз бўлишганида ҳам сизларчалик оқибат кўрсатишарди-да. Сиз қайси қариндошдан, қайси фарзанддан камсиз.

Институтга кираверишдаги «Ҳурмат тахта»да А. Зоновнинг портрети бор. Унинг тагига 1943 йилдан КПСС аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Қизил Юлдуз ордени кавалери, деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Бу аҳил, катта оилада киши бир-бирига дўст, ўртоқ, биродар деган тушунчалар сўзда эмас, ҳар бир ишчи, инженер-техник, лойиҳачи қалбига, турмуш тарзига сингиб кетган.

А. Зонов ҳаётдан кўз юмди. Аммо унинг умр йўлдоши Вера Алексеевна ёлғиз қолмади. Қачон телефон жиринглашмасин, эшик очмасин, турмуш йўлдошининг ҳамкасблари, дўст-ўртоқлари уни йўқлаётган бўлишади. Қачон қабристонга бориб, Андрей қабрини зиёрат қилмасин, бунда яна ўша меҳрибон қўлларнинг изини кўради. Гулларни янгилайди. Биладики, у бугун қўйиб кетган гулларни эртага Зоновнинг қадрдонлари янгилайдилар...

Дилбар МАҲМУДОВА.

ЖАҲОН МАТЕМАТИКЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ

Шу куз Тошкент жаҳоннинг математика пойтахтига айланади — бу ерда энг катта илмий анжуманлардан бири — Бернулли номидаги математик статистика ва эҳтимоллар назарияси жамиятининг биринчи жаҳон конгресси бўлиб ўтади.

Ўзбекистон пойтахтида конгресс ўтказилиши бежиз эмас. Республика олимлари билимнинг шу тармоғини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшганлар.

— Ҳозир 60 дан ортиқ мамлакат 1975 йилда тузилган Бернулли номидаги жамиятнинг аъзолари ҳисобланади. Жамиятнинг мақсади илмий алоқалар ёрдами билан математик статистикани ва эҳтимоллар назариясини ривожлантиришга ёрдам беришдир. Жамият номи эса фан сифатида эҳтимоллар назариясига асос солган буюк математик Якоб Бернуллига (1654—1705) ҳурмат-эҳтиромни билдиради.

Ватанимиз фани улуғ рус математиги П. Л. Чебишев, унинг шогирдлари А. М. Ляпунов, А. А. Макаров, ҳозирги замоннинг энг йирик математиги А. Н. Колмагоров асарлари орқали эҳтимоллар назариясини ривожлантириш ва шаклланишида катта роль ўйнади.

Совет эҳтимоллар назарияси ва математик статистика мактаби жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди. Бу мактабнинг «Тошкент тармоғи» уни шакллантириш ва ривожлантиришда катта роль ўйнади. Атоқли математик, Тошкент давлат университетининг профессори В. И. Романовский (1879—1954) шу тармоқни бошлаб берган эди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари Т. А. Саримсоқов ва С. Ҳ. Сирожиддинов унинг шогирдларидир. Бугунги кунда республикада эҳтимоллар назарияси ва математик статистика мутахассисларининг катта бир отряди ишлаб турибди. Илмий жамоатчилик уларнинг эришган ютуқларига юксак баҳо бермоқда. 8 октябрдан 14 октябргача ўтадиган конгрессда шу олимларнинг асарлари ҳам тақдим этилади.

Конгрессни ўтказиш республика ташкилий комитетида маълум қилишларича, Тошкент барча қитъалардан юзлаб аҳнабий олимларни кутмоқда. Конгрессда 30 тадан кўп секция ишлаб турада ва уларга жаҳоннинг кўп мамлакатларидан келган таниқли мутахассислар бошчилик қиладилар. Назарий йўналишларгина эмас, шу билан бирга амалий йўналишлар — биология ва генетикада, геология ва геофизикада, метеорология ва гидрологияда, бошқа тармоқларда эҳтимоллар — статистика методларининг ишлатилиши ҳам кўрсатилади. Секциялардан бири компьютерларда статистик ҳисобларни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади.

Конгресснинг иш давомида Совет Иттифоқи ва чет эллардаги йирик фирмаларнинг эҳтимоллар назарияси ва математик статистикага доир нашрлари кўргазмаси ўтказилади.

(ЎзТАГ мухбири).

19 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

Бозорбой Отажонов бошлиқ шофёрлар бригадаси йил бошидан буён тежалган ёнилғини Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ҳисобига меҳнат сменаси учун фойдаланди. Графикка мувофиқ 19 апрель куни смена ишидан озод бўлган бу комсомолёшлар коллективи ўтган дам олиш куни тўла составда ишга чиқди. Область қурилишларига 240 тонна—одатдагидан кунлардагига нисбатан 60 тонна кўп юк белгиланган жойларга текин етказиб берилди. ММЗ-555 маркали 12 та ағдарма машина унумли ишлади.

Шу бригадада ишлаётган 2534-автоколонна ҳайдовчилари ва ремонтчилари меҳнат байрами кунида тежалган ёқилғи, энергия, материаллардан фойдаланиш учун шахсий тежамкорлик ҳисобини очдилар. Шанбаликда камида 4 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб беришга қарор қилинди.

* * *

Коммунистик шанбалик штабининг ҳисоб-китобларига кўра, Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати байрам куни сменасида янги панель уйлар учун қарийб 100 минг сўмлик деталлар ишлаб чиқаради.

Корхона коллективи шу куни Тошкентдаги қурилишлар учунгина эмас, шу билан бирга Сибирдаги «Узбектюменьжилстрой» махсус поезди адресига ҳам темир-бетон конструкциялар туркумини жўнатади. Бу махсус поезд Нягань шаҳрида иккита турар-жой микрорайонини барпо этишга киришади.

(ЎзТАГ).

ЯМ-ЯШИЛ ЛИБОС—ЎЛКАМИЗГА МОС

Кўчат экишни ўз вақтида, сифатли адо этайлик!

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси маълумотларига кўра, республикамизда 20 мартга қадар 92 миллион дона турли хил кўчатлар ўтқазилди. Бу йиллик планнинг 72 процентига тенгдир. Ҳозир кўчат экиш учун об-ҳаво яхши, тупроқда етарли миқдорда нам бор. Асосий вазифа — ғанимат дамларнинг ҳар бир кунидан оқилона фойдаланиб, кўчат экишни қисқа муддатларда тугаллаш, бу борада республика Министрлар Совети томонидан белгиланган топшириқларни ошириб адо этилишини таъминлашдан иборат.

Кўчат экиш топшириқларини бугунгача ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими — 304 процент, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси — 145 процент, Главсредазирсовхозстрой — 124 процент, Жиззах области — 120 процент қилиб бажаришга эришдилар.

Ўтган ўн кунда 14 миллион 117 минг туп турли хил кўчатлар ўтқазилди. Бу йиллик планнинг 11 процентини ташкил этади. Кейинги ўн кунликда кўчат экиш Тошкент шаҳрида 24 процент, Хоразм областида 31 процент, Қашқадарё областида 19 процент, Андижон областида 19 процент, Бухоро областида 18 процент ўсди.

Госкомводстрой, Ўзбекистон ССР Ғалла маҳсулотлари ва Ички ишлар министрликларида иш суръати анча ошди. Бу министрлик ва идораларнинг коллективлари ўн кун мобайнида йиллик планнинг 20-25 процентига етказиб кўчат экдилар.

Бироқ айрим министрлик ва идораларда кўчат экиш сусткашлик билан олиб борилмоқда. Масалан, Балиқ хўжалиги давлат комитетида бу ишга ҳануз киришилган эмас. Республика Автомобиль транспорти министрлигида эса кўчат экиш топшириғи 0,6 процент, Қурилиш материаллари саноати министрлигида 3,5 процент, Ўзбекгидроэнергостройда 6,3 процент бажарилди.

Қатор областларда боғлар, узумзорлар яратиш ва тут кўчатлари ўтқазиш суръатлари ҳам қониқарли эмас. Навоий областида боғ ва токзорлар барпо этишга киришилганича йўқ.

Фурсат ғанимат! Кўчат экишни 10—15 апрелгача тугаллаш лозим. Бунинг учун ҳамма ерда ишни оқилона ташкил этиш, меҳнат коллективлари, ўқув юртлари талабаларини, шаҳар, қишлоқ ва посёлкаларнинг аҳолисини ишга тўла сафарбар этиш лозим. Шундай қилинганда экилган кўчатларнинг тўла кўкариб кетишига катта имконият яратилади.

Республика областлари, министрликлари ва идоралари бўйича кўчат ўтқазишнинг бориши тўғрисида шу йил 20 мартга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

ЖИЗЗАХ	**120**
Қашқадарё	93,0
Бухоро	91,0
Наманган	78,3
Самарқанд	76,1
Фарғона	74,1
Сурхондарё	72,9
Тошкент шаҳри	72,1
Андижон	69,0
Сирдарё	62,9
Тошкент	55,9
Хоразм	54,1
Навоий	23,7
ҚҚАССР	12,2
Республика бўйича:	71,7
ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими	**304,2**
ВДНХ	**145,5**
Главсредазирсовхозстрой	**124,3**
Давлат агросаноат комитети	77,7
Тошкент шаҳар ижроия комитети	74,3
Савдо министрлиги	69,1
Ҳунар-техника таълими давлат комитети	65,6
Ғалла маҳсулотлари министрлиги	54,5
Ўрмон хўжалиги министрлиги	53,5
Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	49,9
Автомобиль йўллари қуриш ва ундан фойдаланиш министрлиги	45,4
Маориф министрлиги	44,2
Ички ишлар министрлиги	43,9
Госкомводстрой	40,3
Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги	40,2
Қурилиш министрлиги	40,0
Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	39,5
Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси	37,3
Социал таъминот министрлиги	34,9
Госкомнефтепродукт	33,3
Алоқа министрлиги	29,9
Енгил саноат министрлиги	27,0
Ўзбекбирлашув	24,1
Соғлиқни сақлаш министрлиги	21,0
Маданият министрлиги	20,8
Ўзбекистон қурилиш банки	17,6
Маҳаллий саноат министрлиги	17,5
Геология министрлиги	17,0
Спорт комитети	8,6
Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги	8,0
Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги	7,1
Ўзбекгидроэнергострой	6,3
Граждан авиацияси бошқармаси	3,6
Қурилиш материаллари саноати министрлиги	3,5
Автомобиль транспорти министрлиги	0,6
Балиқ хўжалиги давлат комитети	—

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

СИФАТ—КОЛЛЕКТИВ МЕҲНАТИНИНГ КЎЗГУСИ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
МУСОБАҚА МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ
1986 ЙИЛ, МАРТ. №2–3 (142)

Яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарнинг ходимлари иш ҳақини ҳам, мукофотни ҳам, бошқа неъматларни ҳам бемалол олиб, беташвиш яшамоқдалар. Биз бундан буён бу билан муроса қила олмаймиз. Дарҳақиқат, биз ҳеч ким олмайдиган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи меҳнатга нега ҳақ тўлашимиз керак. Буларнинг ҳаммаси бирон бир тарзда ўзимизга зарар етказади, ўртоқлар! Буни унутмаслик керак.

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладидан).

ЗАФАР САТРЛАРИ

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

✦ Съездлар йилини муваффақиятли якунлаш бўйича социалистик мусобақани авж олдириб юборган Жиззах районидаги «Коммунизм» совхозининг чорвадорлари давлатга гўшт топшириш биринчи квартал планини муддатидан илгари бажаришга эришдилар. Совхоз давлатга пландаги 37 тонна ўрнига 42 тонна гўшт етказиб беришга муваффақ бўлди.

Шунингдек, совхоз парандабоқарлари ҳам пландаги 34 минг ўрнига 52 минг дона тухум топшириб, квартал плани барвақт адо этилганлиги ҳақида рапорт бердилар.

М. АЛИҚУЛОВ.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

✦ Заводимиз ўтган йил якунларига кўра КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлган.

КПСС XXVII съезди қарорларидан руҳланган байроқдор коллективимиз йилнинг ўтган икки ярим ойлик планини ҳам барвақт бажарди. Пландаги 2 миллион 170 минг сўмлик ўрнига 2,5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ялпи маҳсулотнинг 90 процентдан кўпроғи олий сифатга қабул қилинди. Мастер С. Мадаминов бошлиқ бригада кейинги беш кунлик топшириқни 140 процент адо этди. Ш. Маткаримов, М. Сувонов, С. Рўзматова, Х. Оллоберганов сингари ишчи-хизматчилар графикдан ўзиб ишлаб, мусобақада олдинда боришяпти.

М. ОТАЕВА,
Хонқа шоли заводи ишчиси.

ИШЧИ МИНБАРИ

МЕҲНАТГА ЯРАША ШОН-ШАРАФ

✦ Қурувчи! Халқимиз уни бунёдкор деб эъзозлайди. Чунки қурувчилик — мамлакатимиздаги энг шарафли ва фахрли касблардан бири. Қурувчининг қадами етган жойларда завод-фабрикалар, шаҳар ва посёлкалар қад кўтаради, чўллар бўстонга айланади. Мен ҳам улар сафида эканимдан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. 40 йилдирки, Наманган шаҳрида уй-жой бинолари тиклаш билан бандмиз.

Маълумки, аҳолининг социал-маданий ва маиший эҳтиёжларини тўла-тўкис қондирмай туриб, экономикада жиддий юксалишга эришиб бўлмайди. **КПССнинг янги таҳririдаги Программасида бу масалага муҳим эътибор қаратилди. Жумладан, 2000 йилга борив ҳар бир совет оиласини алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Шу боисдан биз, қурувчилар партиямиз илгари сурган улуғвор вазифаларни амалга оширишга қўшадиган ҳиссамизни кўпайтириш ҳақида ўйлашимиз лозим.**

Областимизда қурилиш қўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Аммо кўплаб объектларнинг ўз муддатида ва сифатли топширилмаётгани ҳақли эътирозларни келтириб чиқармоқда. Баъзан бир бригада бошлаган ишни иккинчиси давом эттиради. Бу ўз навбатида «қўлдан кетгунча» қабилида иш юритишга туйнук очади.

Назаримда объектларнинг белгиланган муддатда ва юқори сифат билан топширилишига эришишнинг биргина йўли бор: бригада пудрати усулини кенг ёйиш зарур. Москвалик қурувчи Н. А. Злобиннинг «Зеленоградстрой» бошқармаси маъмурияти билан капитал қурилиш тарихида биринчи бўлиб, пудрат асосида ишлаш шартномасини имзолаганига 16 йилдан ошди. У раҳбарлик қилаётган бригада коллективи биноларни тиклашга сарфланадиган вақтни, қурилиш таннархини анча қисқартириш орқали янги усул афзаллигини амалда исботлади. Иш сифати ҳам аъло даражада бўлди. Бироқ областимизда, шу жумладан трестимиз ва бошқармамизда бу ишга етарли аҳамият берилмаяпти. Бор-йўғи 40—50 процент қурувчи шу усулда ишлаяпти.

Кези келганда баъзи мулоҳазаларимни ҳам айтмоқчиман. Масалан, қурилиш ишида бирон муаммо туғилса, ҳамма айбни Давлат план комитетига, лойиҳа ташкилотларига ағдарамиз. Уларни хатога йўл қўйганликда, воқеаларни олдиндан кўра билмасликда айблаймиз. Тўғри, планлаштирувчи органлар ҳам камчиликлардан ҳоли эмаслар. Аммо шахсий тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, қурилиш трестлари ва бошқармаларининг хатоси ҳамда камчиликлари ишимизга кўпроқ ҳалақит беряпти. Масалан, баъзан материал ва конструкциялар етишмай қолади. Ким айбдорлигини аниқлаш учун сўраб-суриштирсангиз, мастер, участка бошлиғи, прораб, гоҳида эса трест бошқарувчисининг лоқайдлиги туфайли шундай ҳол рўй берганлиги маълум бўлади. Улар зарур ускуна ва материалларни омбордан келтиришни унутган, ёхуд ўз вақтида буюртма бермаган бўлади. Қурувчилар эса ишни тўхтатмаслик учун мавжуд материаллардан фойдаланаверадилар. Оқибати эса маълум: сифатга путур етади. Етказиб берилаётган бинокорлик материаллари сифати ҳам бугунги талаблар даражасида эмас.

Бригада пудрати усулига қайтиб, шуни айтишим мумкинки, кўпинча унинг асосий шарти — қисқа муддатда, кам маблағ сарфлаган ҳолда, қурилишни тўла-тўкис битказиш, ишнинг юқори сифатига, пировард натижага эришиш шарти бажарилмай қолади. Амалда аккорд топшириқни бажарган, аммо қурилишни ниҳоясига етказмаган бригадалар пудрат усулида ишлаяпти, дея ҳисобот берилаверади. Шу боис, бошқаришнинг, меҳнатни ташкил этишнинг сифатини юқори даражага кўтаришга эътибор бермоқ лозим, деб ҳисоблайман. Илғорлар тажрибасини кенг ёйишга катта аҳамият берилмоғи керак. Бу соҳада ҳам айтарли иш қилинаётгани йўқ. Ваҳолонки, бу социалистик мусобақанинг асосий шартидир.

Партиямиз анжуманидан қайтганимдан сўнг, бригадамиз аъзолари билан бирга ишларимизни яна бир бор таҳлил қилиб чиқдик. Илгари сезмаган бир қанча нуқсонларни аниқладик. Улар талабчанлик бўшашиб кетганлиги, ўзибўларчиликка йўл қўйилганлиги оқибати эканини англадик. Таҳлил таъминотчи ва комплектловчи ташкилотлар билан ҳамкорлик бўш ташкил этилганини кўрсатди. Нуқсонларни тугатиш юзасидан қатор тадбирлар белгиладик.

Бригадамиз 30 кишидан иборат. Партия XXVII съезди материалларини ҳаммамиз бригаликда ўрганар эканмиз, ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида масъулиятни янада ошириш, иш сифатига алоҳида эътибор қаратиш зарур деган хулосага келдик. Бунда касб малакасини доимий ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Айни вақтда якдил қарорга келиб, зиммамизга оширилган мажбуриятлар олдик. Жумладан, 100 ўринли ошхона ва 32 квартирали уй-жой биносини муддатидан бир ой илгари фойдаланишга топширмоқчимиз. Чунки совет кишилари фаровонлигини янада ўстириш юзасидан партиямиз қўяётган вазифалар биздан иш суръатини оширишни талаб қилмоқда. Бу соҳада А. Эсонов, В. Бойдодоев, С. Убайдуллаев каби қурувчи йигитларимиз ғайрат кўрсатяптилар.

Шуниси диққатга сазоворки, коллективимиз аъзолари сифатга эътиборни кучайтиргани ҳолда, кун сайин унумлироқ меҳнат қилишга эришмоқдалар. Масалан, февраль ойида пландан ташқари уч минг сўмликдан ортиқ иш бажариб, топшириқни 130 процент адо этдик. Яқинда эса янги маррани эгаллашга муваффақ бўлдик. Ўн иккинчи беш йиллик биринчи йилининг дастлабки квартали плани 20 кун олдин бажарилди. Биз иш суръатини бўшаштирмай, янада юқори натижаларга эришишга аҳд қилдик. Муҳими, биз бажараётган ишлар юзасидан эътирозлар тобора камайиб бормоқда.

Ҳа, шаҳримизда қурилиш ишлари авжида. Ҳовли тўйлари ҳам тез-тез ўтказиладиган бўлиб қолди. Шундай шодиёна кунларда меҳнаткаш кишиларимиз билдирган миннатдорчилик сўзларини эшитган қурувчидан ҳам бахтиёр киши бўлмаса керак. Бажарилган ишнинг, маҳсулотнинг сифати — ишчининг қанчалик виждонлилиги, ўз обрў-эътибори ва коллектив шарафини қанчалик қадрлаши мезонидир. Ишимизга ана шундай юксак талаблар асосида ёндашмоғимиз лозим.

М. ИСМАТОВ,
Наманган қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор, КПСС XXVII съезди делегати.

Хива гилам комбинати ишчи ва хизматчилари корхона ишлаб чиқаришини техника тараққиётини жадаллаштириш ва маҳсулотлар сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини кўзлаб қайта қурмоқдалар. Бу ерда янги йигирув ва ўроб машиналари ишга туширилиши билан ишлаб чиқариш чиқиндилари оптн баравар камайди ва калавалар сифати анча яхшиланди.

Тўқувчилар ҳар куни нормадаги 5.853 ўрнига 6000 квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Айни пайтда гилам маҳсулотларининг кўркам, ранг-баранг хиллари кўпайиб боряпти.

Суратда: техника назорати бўлими ходимлари Татьяна Каримова ва Людмила Ким тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

Қ. ОТАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

КУНИГА ИККИ НОРМА

Энг муҳими — сифат. Тўғри, маҳсулот ҳажми, унинг хилма-хиллиги ҳам зарур. Лекин сифатсиз маҳсулотнинг кимга кераги бор. Сифатсиз буюм ғирт ташвиш. Уни харидор хуш кўрмайди. Омборни банд қилиб ётадиган маҳсулотнинг бориши йўқ яхши. Партиямизнинг XXVII съезди масалани шу таҳлитда қўйди.

Брак буюмлар, паст сифатли товарлар чиқаришни истисно этувчи қатъий чоралар кўрмоқ зарур, деб таъкидланди съезд материалларида. Бунинг учун моддий ва маъмурий таъсир кўрсатишнинг бутун кучини ишга солиш, қонунларимиздан фойдаланиш лозим. Бу талаб биз, ишчиларни маҳсулот сифати ҳақида жиддийроқ ўйлаш, бутун куч ва имкониятларни юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратишга даъват этади. Шу муҳим масала юзасидан атрофлича фикр юритиб, бутун диққат-эътиборимизни маҳсулот сифатини яхшилаб боришга қаратмоқдамиз.

Корхонада съезд талаблари асосида самарали меҳнат қилиб, социалистик мусобақада энг яхши кўрсаткичларга эришаётган пешқадамлар кўпайиб боряпти. М. Тўйчиева, А. Валиева, А. Назаров каби ўнлаб коммунистлар бир кунда икки кунлик топшириқни бажариш ташаббуси билан майдонга чиқишиб, сифат ва самарадорликда юксак натижаларга эришмоқдалар.

Илғорлар тажрибаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб бориш билан бирга сифат кўрсаткичларини муттасил яхшилаб бориш резервлари мавжудлигини кўрсатиб турибди. Бунинг учун астойдил изланиш, новаторчасига ишлаш зарурлигини яхши биламиз. Бутун куч-имкониятимиз, маҳоратимизни ишга солиб, халққа энг сифатли маҳсулотлар етказиб бериш йўлида қатъият кўрсатаверамиз.

М. ЭСОНОВ,
Риштон бадиий кулолчилик буюмлари заводи ишчиси.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ—БАРЧАНИНГ МУЛКИ

ФОЙДАЛИ ТАДБИР

Ишончим комилки, партия Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладида маҳсулот сифатини яхшилаш тўғрисида билдирилган фикр ва мулоҳазалар кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Жумладан, бизнинг бирлашмамизда ҳам кўн-галантерея ва спорт товарлари сифатини яхшилаш, уларга меҳнат сарфини камайтириш, белгиланган тнғиз топшириқларни муваффақиятли бажариш йўлида собитқадам иш олиб борилаётир. Цехлардаги техника воситаларн такомиллаштирилмоқда, маҳсулотнинг барқарор юқори сифатли бўлишига эришиш йўллари изланиляпти.

Бирлашмамизда тайёрланган маҳсулотларга эҳтиёж катта. Бу ерда тайёрланаётган чемодан, дипломат, турли хил сумкалар, рюкзаклар, туристлар чодири, чарм қўлқоплар, спорт тўплари мамлакатимизнинг турли районларига жўнатилади. Бизда кенг истеъмол хусусиятлари, яхши ташқи кўриниш ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни системали тарзда кўпайтириш ва турларини янгилаб туришнинг асоси ҳисобланади. Масалан, ўтган беш йиллик давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 66 процент ўсди, кўплаб янги буюмлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунга асосан интенсив омиллар ҳисобига эришилди. Шу вақт ичида меҳнат унумдорлигининг ўсиши 130 процентни ташкил этди.

Биз СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг меҳнат илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон филиали билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш юзасидан тадбирлар комплексини ишлаб чиқдик. Унда цех ва участкаларни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Чунки бу тадбирларни амалга оширмай туриб меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва сифатини яхшилашга эришиш мумкин эмас.

Самарадорликни оширишга қаратилган тадбирлар ичида иш жойларини аттестациялаш ва рационализация қилишга етакчи ўрин берилган. Бу соҳадаги ишлар ҳам институт мутахассисларининг илмий-методик раҳбарлиги остида олиб бориляпти. Ҳозиргача бирлашма бош корхонасидаги 1108 иш жойи кўздан кечирилди. Замон талабларига мос бўлган, иш унуми ва маҳсулот сифати юқори даражада бўлишини таъминловчи дастғоҳлар аттестация қилинди. Айрим созлаш-тузатиш ишларига қарамай, техник кўрсаткичлари норматив ва лойиҳа шартларига мос келмаган машина-ускуналар кўчириб олинди. Сақлаб қолишга яроқли иш жойлари эса қайта-қайта текширилди, ўз кўрсаткичлари бўйича мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган энг яхши намуналарга қанчалик мувофиқлиги синовдан ўтказилди.

Натижада 319 та ёки 29 процент иш жойи аттестация қилинди, 10 та дастгоҳ яроқсиз деб топилди. Қолган иш жойлари ҳам рационализация қилинди. Шу асосда меҳнат унумдорлиги 0,5 процент ўстирилди, меҳнат шароитлари ва маҳсулот сифати анча яхшиланди, ишлаб чиқариш маданияти даражаси ошди, 20 киши бошқа ишларга ўтказилди, фонд самарадорлиги кўпайди. Хуллас, аттестация резерв ва имкониятларни аниқлашда етакчи омиллардан бири бўлди.

С. САИДКАРИМОВ,
Тошкентдаги кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмаси бош директори.

НОМАЛАР ВА ҲАНГОМАЛАР

Мутахассис масала қўймоқда

Маҳсулот сифати — коллектив меҳнатининг кўзгуси. Масалага КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди талаблари нуқтаи назаридан қарасак, кейинги вақтда Қашқадарё область корхоналарида бу соҳада баъзи ижобий силжишлар рўй берди. Қарши ёг-экстракция заводи, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси каби корхоналар коллективлари сифат учун курашда областдаги бошқа корхоналарга намуна кўрсатишмоқда.

Лекин маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига эришиш область корхоналарининг ҳаммасида ҳам коллективнинг асосий шиорига айланган деб бўлмайди. Сифатсиз маҳсулотлари билан харидорларни ранжитаётган корхоналар ор эмас. Тайёрлаган маҳсулоти савдо тармоқлари пештахталарида чанг босиб ётган, айрим ҳолларда эса брак қилиниб, қайтариб юборилаётган корхоналар ҳам бор. Шулар сабаб бўлиб, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети ҳузуридаги давлат арбитражига ўтган йили корхоналар тайёрлаган маҳсулотларнинг сифати юзасидан норозилик билдирилган 328 арзнома тушди. Улар ўз вақтида текширилиб, айбдор корхоналар ҳисобидан даъвогарлар фойдасига 460 минг сўмга яқин жарима ундирилди.

Бундай арзномаларга сабаб бўлаётган ҳангомаларнинг айримларига эътиборни жалб қилмаслик мумкин эмас. Шаҳрисабз консерва заводи ишлаб чиқараётган мева консервалари, СССР 50 йиллиги номли Қарши тикувчилик бирлашмасида тайёрланган кўйлаклар, мактаб формалари, Шаҳрисабз мебель фабрикаси каравот ва шкафлари сифати истеъмолчиларни ҳақли равишда ранжитмоқда. Область мевасабзавот хўжалиги бирлашмаси совхозлари, Косон, Муборак, Усмон Юсупов районлари тайёрлов идоралари томонидан мамлакатимизнинг шимол районларига жўнатилаётган олма, узум, пиёзларнинг сифатсизлиги ҳам ўринли эътирозларга сабаб бўляпти. Ушбу корхоналардан давлат арбитражининг аралашуви билан савдо ташкилотлари фойдасига катта миқдорда жарималар ундирилди.

Шунга қарамай, жарима тарбиявий тадбир эканлигини тан олмаётган корхоналар озаймаяпти. Масалан, 1985 йил март ойида Тошкент шаҳридаги Бош универсал магазин Қарши тикувчилик бирлашмаси юборган эркаклар кўйлагидан 3800 донасини олган ва сотувга чиқаришдан аввал маҳсулот сифатини аниқлаш учун бирлашма вакилини таклиф этди. Текшириб кўрилганда нима бўлди, денг: юборилган маҳсулотнинг ҳаммаси бракка чиқарилди — кўйлакларнинг барчаси бирлашмага қайтариб юборилди! Албатта, Бош универсал магазин область арбитражига мурожаат қилиб, сифатсиз маҳсулот юборганлиги учун бирлашмадан 25 минг сўм жарима ундирди. Бу сабоқ бўлиши керак эди. Йўқ, шундай бўлмаяпти. Мазкур бирлашманинг «Таштекстильшвейторг» савдо тармоқларига жўнатган 650 кўйлаги ҳам сифатсизлиги учун корхонага қайтарилган. Бирлашма бунинг учун 5500 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди

Ушбу фактлар мазкур корхоналар раҳбарларини, мутахассисларини, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларини жиддий ташвишлантириши лозим. Шунингдек, уларнинг фаолиятини назорат қилувчи юқори ташкилотлар, тегишли министрликлар ҳам маҳсулот сифатини яхшилаш, халқимизнинг кенг истеъмол буюмларига бўлган талабини тўлатўкис қондириш учун тегишли тадбирларни амалга оширишлари зарур, деб ҳисоблаймиз.

Одатда, корхона раҳбарлари ва бошқа масъул шахслар ҳом ашё ва материалларнинг етишмаслиги, асбоб-ускуналар ва бошқа техника воситаларининг эскирганлиги, мутахассисларнинг етишмаслиги каби иккинчи даражали масалаларни сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилишининг асосий сабаблари, деб кўрсатишади. Тўғри, маҳсулот сифати ана шуларга ҳам боғлиқ. Лекин асосий сабаб корхона раҳбарларининг ва бош мутахассис кадрларнинг ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлаётганликларида-ку! Топширилган иш учун масъулият сезмаслик, ишлаб чиқариш бўғинларида тегишли тартиб ўрнатилмагани ва коллективда меҳнат интизомининг бўшлиги сифатсиз маҳсулот тайёрланишига йўл очиб бераётганлигини ким инкор эта олади. Камчилик ва нуқсонлар ўз-ўзича содир бўлмайди. Бу ҳамиша кимнингдир ишга виждонан ёндашмаслиги, хўжасизлик ва ўзибўларчиликка йўл қўйиб берганлиги оқибатида юз беради. Бундай ноҳуш ҳолларнинг ҳар бири учун конкрет шахслардан тегишли жавобгарлик талаб қилиниши зарур.

Маҳсулотнинг сифатли бўлишини таъминлашда техника назорати ходимларига жиддий масъулият юклатилган. Бу ўринда уларнинг малакаси, принципиаллиги ва талабчанлиги муҳим роль ўйнайди. Улар маъмурий тазйиқларга ён бермасликлари, ўз ишларига ҳалол муносабатда бўлиб, сифатсиз маҳсулотларни корхона дарвозасидан чиқаришга йўл қўймасликлари лозим.

Давлат арбитражи сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш пайтида яна бир муаммога дуч келмоқда. Яъни, айрим корхоналар аҳоли дидига мос бўлмаган, истеъмолдан чиқиб қолган маҳсулотларни ҳамон савдо тармоқларига жўнатишмоқда. Хусусан, Чироқчи бадиийгилам фабрикаси, Қарши тўқувчилик-галантерея ва Шаҳрисабз «Ҳужум» фабрикалари тайёрлаётган гилам, сўзана, айрим хилдаги тақинчоқларни сотиб олишга эҳтиёж йўқ ҳисоби. Савдо ташкилотлари уларни олишдан бош тортиб, илгари тузилган шартномаларни бекор қилиш тўғрисида юқоридаги корхоналар маъмуриятига телеграмма ва илтимосномалар юборишган. Ўз навбатида ушбу фабрикаларнинг раҳбарлари аҳоли талабини қозонмаётган буюмларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш, маҳсулот турларини янгилаш юзасидан область маҳаллий саноат бошқармаси ва республика Маҳаллий саноат министрлигига қайта-қайта мурожаат қилишган. Аммо ушбу масаланинг ҳал этилиши пайсалга солиб келинмоқда. Корхоналар билан савдо ташкилотлари ўртасидаги келишмовчиликлар эса давом этяпти. Мазкур муаммо қанча тез ҳал этилса, шунча яхши.

Сифат учун кураш ҳаммага дахлдор иш даражасига кўтарилиши керак. Бунда ҳар ким ўз участкасидаги ишга конкрет жавоб берадиган бўлиши зарур. Партиямиз XXVII съезди қарорлари бизни худди шундай иш юритишга даъват этяпти.

М. ТУРСУНОВ,
Қашқадарё областининг бош арбитри.

ТЕЖАМКОРЛИК—ҲАММАНИНГ ИШИ

ОҚИЛОНА ЙЎЛ

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида чиқитсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг резервларини топиш ва ишга солиш, бу ишнинг технологиясини такомиллаштириш вазифалари аниқ ва лўнда баён этиб берилди. Чиндан ҳам бу соҳадаги имконият ва резервлар чексиз, хилма-хил. Чиқитсиз технология, КПСС XXVII съездида алоҳида таъкидланганидек, моддий бойликни кўпайтиришнинг муҳим манбаларидан биридир.

Бир қатор илғор корхоналарда иккиламчи хом ашёдан халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш яхши самаралар бермоқда, тежамкорликни оширишга катта таъсир кўрсатмоқда.

Шаҳрихон пахта тозалаш заводида ишга туширилган нотўқима материаллар ишлаб чиқариш цехи фаолияти ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Пахта тозалаш заводларида чиқитга чиқадиган — «чанг» бу цех учун хом ашё ҳисобланади. Илгарилари бу чиқит ҳеч нарсага яроқсиз деб, арзон-гаров сотиб юборилади. Эндиликда ундан тола ва момиқлар учун ўроб материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Бу билан ўроб материаллари сотиб олишга ҳожат қолмади. Шуни ҳам айтиш керакки, бу жараённи ўзлаштириш у қадар қимматга тушгани йўқ.

Пахта тозалаш заводининг «чиқити» цехнинг титиш ва тараш бўлимига келиб тушади. У ерда муайян технологик жараёнда чиқит ўроб материалига айланади.

Цехда 13 дастгоҳ бўлиб, уч сменада 140 киши ишламоқда. Албатта, цехнинг ўз созловчилари, механиклари, иқтидорли ишчилари, ихтирочи ва рационализаторлари бор. Улар чиқитни қайта ишлаш самарадорлигини муттасил ошириш йўлида изланмоқдалар, илғор тажрибаларни жорий этмоқдалар. Ҳамидулла Абдурахмонов, Абдуғаффор ва Сайдали Исмоиловлар бу ишга, айниқса, яхши ҳисса қўшишяпти.

Ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилаётган цех коллективи ўтган йили 2 миллион сўмликдан знёд маҳсулот ишлаб чиқарганди. Съездлар йилида ишчилар яна ҳам катта марраларни кўзламоқдалар.

Цехнинг Хурсандбек Жумабоев бошлиқ бригадаси аъзолари мусобақада олдинда боришяпти. Наталья Ревай, Мавлуда Қорабоева, Улуғбек Низомов каби ишчиларнинг вақтдан ўзиб меҳнат қилишлари туфайли бригада квартал планини барвақт бажарди.

Завод ишчи ва мутахассислари ўн иккинчи беш йилликкинг асосий вазифаларидан бирини бажаришга бел боғлаб, хайрли ишга қўл урганлар. Улар чиқитдан маҳсулот тайёрлаб, коллектив даромадини оширишда оқилона йўлни танладилар.

Й. СУЛТОНОВ.
Андижон области.

САМАРҚАНД КУРАНТИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда курант қуришга қарор қилинди. Хўш, у қандай бўлиши керак! Бу савол ижодий баҳсда ҳал бўлди. Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг архитектура-планлаштириш бошқармаси, Ўзбекистон Архитекторлар союзи ва Рассомлар союзининг область бўлимлари уюштирган конкурсда дастлабки уч ўринни «УзНИИПградостроительства» институти тақдим этган ишлар эгаллади.

— Муаллифлар олдида мураккаб ва масъулиятли вазифа турар эди, — деди жюри раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор С. Сутягин. — Чунки, бутун дунёга маълум ва машҳур меъморчилик ёдгорликлари комплексида шаҳар қиёфасини тўлароқ шакллантиришга даъват этилган ноёб иншоотни бунёд этишнинг ўзи бўлмайди. Фикримизча, бир қанча қизиқарли ечимлар таклиф этилди.

Шулардан иккитасини олайлик. С. Соколов бошлиқ бригада учта ингичка минорадан иборат вариантни таклиф қилди. Бу миноралар ўзаро томоша майдончалари билан бирлаштирилган. И. Бреславец бошлиқ архитекторлар лойиҳаси эса курантлар комплекси тўртта устундан иборат иншоотни кўзда тутади. Устунлардан бири ичида зинапоя бўлиб, у соат механизми ўрнашган жойгача олиб чиқади.

Жюри ана шу иккита ечим асосида курантнинг узил-кесил вариантини яратиш борасидаги изланишларни давом эттиришни тавсия этди.

Суратларда: ғолиб деб топилган иккита лойиҳанинг кўриниши.

Р. Ғафуров фотолари (ЎзТАГ).





ҲАР ИШДА ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

ЕР МАЛҲАМИ

ЁКИ ЯНГИЙЎЛ БИОХИМИЯ ЗАВОДИДА САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ОРГАНИК ЎҒИТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУАММОСИНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДА

—...Экишдан олдин, шудгорлаш кезларидагина эмас, экиннинг ўсиш даврида ҳам уни ишлатиш мумкин-ку, ахир.

— Рост!

— Қишлоқ хўжалигида аммонийлашган лигнинни синаб кўрилмаган соҳа қолмади-ёв...

Ишлаб чиқариш мажлисидан ўзаро суҳбатлашиб чиқиб келаётганларнинг бу гаплари бизни қизиқтириб қўйди. Завод бош инженери В. Старухин билан суҳбатни шундан бошлай қолдик.

— Корхонамизда асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш асносида бир кеча-кундузда 200 тоннагача, бир йилда эса олтмиш минг тоннача гидролиз лигнини ҳосил бўлади, — деди у. — Ундан фойдаланиш юзасидан илмий ечим ва асосли тавсиялар бўлишига қарамай, яқин-яқинларгача бу органик модда асосан чиқинди сифатида ташлаб юборилади. Меҳнат коллективимиз КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, яқинда хайрли бир ишга киришди. 9 мартдан бошлаб лигнин аммиак билан «тўйинтириб» чиқарилмоқда.

Маълумки, деҳқончилик маданиятининг ўз қонуниятлари бор. Улкан майдонларга экин экилиб, унинг ҳосили ва ҳатто пояларигача йиғиштириб олинар экан, шу аснода ер маълум миқдорда микроэлементлар йўқотади. Ана шу бой берилган моддалар ўрнини тўлдиришда турли органик ва минерал ўғитлар иш беради. Булар сафига қайта ишланиб, ўғитга айланган гидролиз лигнининг қўшилиши таҳсинга лойиқ. Бинобарин, янгийўлликлар ҳаракати билан чиқинди тупроқ унумдорлигини оширишга, таркибининг физик ва химик хоссалари яхшиланишига хизмат қиладиган бўлди.

Лигнин юқори молекулали органик бирикма бўлиб, қанд, алкалоидлар, витаминлар, органик кислоталар, ёғ ва целлюлоза сингари ўсимлик танасида тўпланади. Шу боис она табиатни унинг битмастуганмас манбаи деса бўлади.

...Заводда домна печларини эслатувчи ўн иккита саболатли гидролиз қурилмаси ишлаб турибди. Уларда шелуха, шолипоя, қипиқ гидролизланиб, кимёгарлар таъбири билан айтганда, полисахаридлар моносахаридларга айлантирилиб, ксилит, турли ачитқи ва бошқа моддалар ажратиб олинмоқда. Шелуха қурилмада 12 соатда, қолганлари эса олти соатчада етилади. Шундан сўнг сараги саракка, пучаги пучакка деганларидек, юқорида айтилган моддалар ажралади-да, «турпи» махсус аппаратга ўтади. Гидролиз аппаратига нисбатан унда босим паст бўлгани учун ҳам «турп» бу ускунага отилиб чиқади. Худди шу ерда, сиғими 90 кубометрли ҳар учала идишда лигнин «душ қабул қилади» — аммиак билан «тўйинтирилади».

Шу кунларда бу ерда Янгийўл ва Чиноз районлари хўжаликларига экишдан олдин солиш учун ер малҳами — лигнин-ўғит тайёрланмоқда.

— Заводимиз 30 минг тонна лигнинни органик ўғитга айлантиришга қодир, — дейди гидролиз-техник спирт цехи смена мастери С. Жалолов. — Аммо бир масала бизни қийнамоқда. Тайёр маҳсулотни ўз машинамизда, ўз ёнилғи-мойлаш материалларимиз ҳисобидан хўжаликларга етказиб бермоқдамиз. Бунда сарф-харажат лигнинни чиқинди сифатида ташишга мўлжалланган ҳажмдан ошмаслиги керак. Бошқача қилиб айтганда, биздан 10-12 километр олисда бўлган хўжаликларгина ўғитимизни олмоқда. Ер малҳамини олиброқ хўжаликларга етказиб бериш масаласи ҳал этилиши тезлаштирилса яхши бўларди.

Нокерак деб ҳисоблаб келинган лигнидан фойдаланиш соҳасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимияси институтида иқтидорли олим Ҳ. Абдуазимов бошчилигида кўп йиллардан бери илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Натижалар анча салмоқли. Бутуниттифоқ Халқ хўжалик ютуқлари виставкасида ўтказилган махсус кенгашда ҳам бу иш яхши баҳоланган.

Органик ўғит сифатида лигнин обдон синовдан ўтказилди. Шудгорлаш ва экишдан аввал гектарига 3,5—5 тонна лигнин ўғити ишлатиш пахтачиликда ҳосилдорликни 3-4 центнерга, қўриқ ерларда, масалан, Арнасой районида лигнин «душ қабул қилади» — аммиак билан «тўйинтирилган» Конев номли совхозда 4—5 центнерга ошириган. Ўзбекистон сабзавотполиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатадики, гектарига беш тоннадан лигнин ишлатилганда ҳосилдорлик карам етиштиришда 56, помидор етиштиришда 48, картошка етиштиришда 23,6 ва шоли етиштиришда 5 центнер ошган.

Аммонийлашган лигнин олиш саноат синовидан ҳам ўтказилган. Пахтачилик, умуман, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига унинг татбиқ этилиши ўз вақтида ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ва республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги томонидан маъқулланган эди. Тегишли норматив ҳужжат—муваққат техник шартлари ҳам белгилаб қўйилган. Лекин бу фойдали ўғитнинг амалиётга жорий этилиши жуда суст. Саккиз йилда 6 минг тоннадан сал ортиқ аммонийлашган лигнин ишлаб чиқарилди, холос. Самарадорлиги ва рентабеллиги етарлича тарғиб этилмаганлиги, қолаверса, бу янги ўғитни сақлаш жойлари яхши эмаслиги уни кенг кўламда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга монелик қилмоқда. Янгиликнинг нафи катта эканлигига қарамай, бунчалик кенг ёйилмаётганига яна бир сабаб бор. Қайта ишловдан ўтиб, ўғит сифатида тайёрланган лигниннинг ҳар тоннаси олти сўм. Хўжаликлар эса бундай нархда уни сотиб олишга унчалик қизиқмаяптилар.

— Колхозимизда бир неча йиллардан бери 10-12 гектар майдонда лигнин ўғити синаб кўрилмоқда, — дейди Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози правлениеси раиси А. Иброҳимов. — Тупроқшуносларнинг ерда гумус камайиб кетяпти, деган ташвишларида жон бор. Пахтачиликда ҳосилдорлик 3-4 эмас, ярим центнерга ошса ҳам бунақа янгиликни, имоним комилки, ҳамма пахтакорлар қўш қўллаб кутиб оладилар. Бизнинг сариқ тупроқли зоналарда ер берч, ёмғир ёғиши билан қатқалоқ бўлади-қолади. Лигнин эса бунга йўл қўймас экан. Шу жиҳатининг ўзи билан ҳам у қадрлидир. Аммо бизни бошқа нарса ташвишлантирмоқда. Лигнинда кислота батамом йўқотилганлигига ким кафолат беради? Биз биронта ҳоли идора, айтайлик «Сельхозхимия» ташкилоти ўғитнинг шу жиҳатларини текшириб кўрса деймиз. Уни ерга гўнг билан аралаштириб берилса-чи? Ғўзани ўсиш даврида озиқлантириш учун лигнинни қатор ораларига механизация ёрдамида солиш хусусида ҳам ўйлаб кўриш керак. Энг муҳими, бошқа минерал ўғитлар сингари уни қоплаб беришса бўлмасмикан? Қўшимча цех қуриб, шу иш йўлга қўйилса, олиброқ районларга ҳам аммонийлашган лигнинни етказиб бериш мумкин бўларди.

КПСС XXVII съезди талаблари асосида чиқитсиз технологияни жорий этиш, иккиламчи ресурслардан кенг кўламда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Янгийўл биохимия заводида шу борада дастлабки одим дадил қўйилди. Энди уларнинг ташаббуси кенг қўллаб-қувватланиши керак. Атроф муҳит муҳофазаси борасида бу янгиликнинг афзаллиги беқиёс. Янгийўл заводи белгиланган режа тўла амалга оширилса, шу йилнинг ўзидаёқ 27 минг сўм фойда кўради.

Корхонада фойдаланилмаётган яна бир резерв бор. Бу оқова сувдир. Заводда кунига 15 минг куб метр шундай сув ҳосил бўлади. Унинг таркибида азот, фосфор ва органик моддалар бор. Шундан фойдаланиш экинларни ҳам суғориш, ҳам озиқлантириш, айни чоғда анчагина тоза сувни тежаш имконини беради. Сув тақчилроқ бўлади деб кутилаётган 1986 йилда катта-катта ҳовузлар барпо этиб, оқова сув билан тўлдирилса, керак бўлганда насослар ёрдамида ёки ариқлар қазиб сувни экинзорларга етказиш мумкин-ку, ахир. Сувдан такрорий фойдаланишнинг энг мақбул формаларидан бири шу эмасми?!

«Совет Ўзбекистони» газетасида бундан саккиз йилча муқаддам, 1978 йил 21 майда ўсимлик моддалари химияси институтининг чиғит, шоли ва ёғоч қипиғидан лигнин олишга оид изланишлари ёритилган эди. Кеч бўлса ҳам мана ниҳоят илмий ечим амалиётга жорий этилди. Аммо, илмий ечимнинг юзага келишидан то ишлаб чиқаришга татбиқ этилгунга қадар бўлган муддат қанча қисқа бўлса, шунча яхши. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш талаб этилаётган давримизнинг асосий қонуни ҳам аслида шу.

Р. ҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«РАДУГА» НАШРИЁТИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:

Лев ТОЛСТОЙ. Қисса ва ҳикоялар. 272 бет. Баҳоси 2 сўм 25 тийин (араб тилида).

Тўпламга «Икки гусар», «Оилавий бахт» қиссалари ва бошқа ҳикоялар киритилган.

Иван ЧИГРИНОВ. «Қонни оқлаш». Роман. 244 бет. Баҳоси 2 сўм 29 тийин (араб тилида).

Асар Улуғ Ватан уруши даврида фашистлар оккупациясида қолган Белоруссия халқининг бошидан кечган оғирликлар ва гитлерчиларга қарши олиб борган мардонавор курашига бағишланган.

Пиримқул ҚОДИРОВ. «Юлдузли тунлар». Роман. 648 бет. Баҳоси 5 сўм 19 тийин (урду тилида).

Романда XVI аср тарихининг шиддатли воқеаларга бой бўлган мураккаб, ғожиавий бир даври тасвирланади.

* * *

«Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими 1974 йилда ташкил этилганди. Унга Яқин Шарқ мамлакатлари адабиёт ихлосмандларини совет адабиёти намояндаларининг энг сара асарлари билан таништириш вазифаси юкланган. Шу ўтган давр мобайнида нашриёт коллективи қўшни давлатлар учун етти тилда: араб, форс, дари, пушту, ҳинди, урду ва бенгал тилларида китоб нашр этишни муваффақият билан йўлга қўйди.

Ҳозирги кунда бу ерда нашр этилган асарлар орасида Ойбекнинг «Навоий» ва «Қутлуғ қон» романлари, Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» қиссаси, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг шеърий тўпламлари бор. Бундан ташқари қардош республикалар адабиётидан ҳам энг яхши асарларни таржима қилиб нашр этишда самарали иш олиб борилаётир. Аниқса, Л. Толстой, М. Горький, А. Толстой, Г. Марков, Ю. Бондарев, Ч. Айтматов, А. Алексин, Б. Кербобоев, М. Авезов, В. Биков ва бошқа таниқли ёзувчиларнинг асарлари ўзига хос безатилиши ва юқори сифати билан чет эллик китобхонларга манзур бўлмоқда. Буни чет эллик китобхонлардан келаётган кўплаб миннатдорчилик хатларидан билиш мумкин.

Нашриётнинг 1986 йил планида кўпмиллатли совет адабиётининг барча бўғинига мансуб ёзувчиларнинг асарларини чоп этиш мўлжалланган. Бу асарлар қўшни давлатлар китобхонларини совет турмуш тарзининг афзалликлари, юздан ортиқ халқлар ва элатларнинг ривожланган социализм даврида равнақ топиб, маданияти, фани ва санъати ривожланганлиги билан таништиришда ёрдам беради.

М. МИРҚОСИМОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент политехника институти
1986 йилга
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА
ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун
АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

қурилиш механикаси, деформацияланадиган қаттиқ жисм механикаси, физик электроника (жумладан квантли электроника), коллоид химия, умумий ва регионал геология, петрография, вулканология, геология, рудали ва норуда конларни излаш ва разведка қилиш, машиналарнинг ишдан чиқиши ва ишқаланиш, машинасозлик технологияси (тармоқлар бўйича), пайвандлаш ишлаб чиқариши машиналари ва технологияси, совутиш ва криоген техникаси ҳамда кондиционлаштириш системасининг агрегатлари ва машиналари, химия ишлаб чиқаришида нефтни қайта ишлаш агрегатлари ва машиналари, электр машиналари, электроизоляция ва кабель техникаси, электротехниканинг назарий асослари, электр ва ярим ўтказгичли ўзгартирувчилар, моддалар, материаллар ва буюмларни назорат қилиш методлари ва приборлар, ҳисоблаш техникаси ва бошқариш системасининг тузилиши ва элементлар, ҳисоблаш техникасининг тузилиши ва элементлари ҳамда бошқариш системалари, бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари (тармоқлар бўйича), умумий энергетика, электр станциялари (электр қисми), бошқариш системалари ва тармоқлари, саноат теплоэнергетикаси, гидроэлектр станциялар ва гидроэнергетик қурилмалар, иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик тармоқлари, ноорганик моддалар технологияси, силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси, ачитқи маҳсулотлар ва алкогол ҳамда алкогольсиз ичимликлар технологияси, озиқ-овқат тайёрлаш аппаратлари ва жараёнлари, қишлоқ хўжалик ва гидромелиорация машиналари, асослар ва пойдеворлар, иссиқлик таъминоти, вентиляция, ҳавони кондиционлаш, газ таъминоти, акустика ва ёритиш техникаси, қурилиш материаллари ва буюмлари, архитектура тарихи ва назарияси, бинолар ва иншоотлар архитектураси.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 1986 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАН 15 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1986 йил 1 апрелдан 1 декабргача олий ўқув юртлари программаси ҳажмида КПСС ТАРИХИ, ЧЕТ ТИЛЛАРИ (инглиз, француз, немис) ва ТАНЛАНГАН ИХТИСОС БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Аспирантурага қабул қилинган бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланади.

Ариза қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширилади: диплом нусхаси, зачёт дафтарчасидан кўчирма, характеристика, кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳоли, реферат, соғлиғи тўғрисидаги справка (286-форма), 3х4 см. ва 4х6 см. ҳажмида 2 талдан 4 дона фотосурат.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, Навоий кўчаси, 13-уй, аспирантура бўлими. Телефон 41-15-70.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

РЕСПУБЛИКА ИППОДРОМИ БИНОСИДА
(Халқлар дўстлиги проспекти)
7—9 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ
ортиқча халқ истеъмоли товарлари савдоси бўйича
РЕСПУБЛИКАЛАРАРО УЛГУРЖИ ЯРМАРКА ЎТКАЗИЛАДИ

Ярмаркага давлат савдоси ва матлубот кооперациясининг улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари ҳамда ортиқча товарларга эга бўлган бошқа ташкилотларнинг вакиллари таклиф қилинади.

ЯРМАРКА ҚАТНАШЧИЛАРИ 5—6 АПРЕЛДА КЕЛАДИЛАР.

Меҳмонхонага йўлланма қуйидаги адресда берилади: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй (меҳмонхонага йўлланма фақат «Узпосредторг» томонидан берилган таклиф билети кўрсатилган тақдирдагина берилади).

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИ — **«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» «УЗПОСРЕДТОРГ»**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ПОЛИМЕРЛАР ФИЗИКАСИ ВА ХИМИЯСИ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

эксперименталь-технология лабораторияси мудири (фан кандидати); полимерларнинг аналитик химияси лабораторияси катта илмий ходими (фан кандидати);

патент-лицензия ва информацион тадқиқотлар лабораториясининг кичик илмий ходими (илмий даража сиз).

Конкурс муддати — 19 апрелгача.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, 61-алоқа бўлими, Гоголь кўчаси, 74-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
1986 йилга
умумий тарих ихтисоси бўйича ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун
АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар — 1 июнгача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700170, Тошкент шаҳри, 170-алоқа бўлими, М. Горький проспекти, 81-уй. Телефон 62-42-56.

Ўзбекистон ССР «ГОССТРОЙИ»нинг ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ («УзНИИПградостроительства»)
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Секторлар бўйича катта илмий ходимлар: саноат зоналари ва транспорт (транспорт бўйича), инженерлик экономика проблемалари ва математик моделлаштириш (территорияларни инженерлик жиҳатдан тайёрлаш, математик моделлаштириш, шаҳар қурилиши экономикаси).

Конкурсда фан доктори ёки кандидати илмий даражасига эга бўлган кишилар, шунингдек илмий-тадқиқот ёки лойиҳа институтларида катта иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар қатнашишлари мумкин.

Конкурс муддати — 12 апрелгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, Навоий кўчаси, 18-уй, илмий секретарга. Телефонлар: 41-45-92, 41-46-61.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, жамоат ташкилотлари ва инженерлик-экономика факультети коллективи тўқимачилик саноати экономикаси кафедрасининг катта ўқитувчиси Ш. Р. Боқиевага онаси

Ҳамро КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЯНГИ ҲАЖВИЯЛАР

Сами АБДУҚАҲҲОР

«ТЕЗДА ТУЗАТИНГ!»

(МИНИ ФЕЛЬЕТОН)

Совхознинг техника устахонаси
Бўм-бўш ётар, гўё эгасиз ҳовли...
Бузуқ тракторлар, занг сеялкаси,
Кўп йил етмагандек қадам мисоли...

Совхоз директори кабинетига,
Жадал кириб келди котиба қизча.
Жаҳл билан унинг қараб бетига,
Деди:— Нима қилиш керакдир Сизча!!

—Чой қўй дейсиз, қаранг, электр чойнак
Бузилиб ётибди анчадан буён.
Устахонамизга борган тирмизак
«Ҳеч ким йўқ!» деб келди—бўлишган қуён!...

Ғоят жаҳли чиқиб директор бобо,
Устахона мудирин чақирди шошиб.
Роса қойиб берди — янгради нидо:
—Тез ишга киришинг, юрманг бош қашиб!...

Устахонангизда ҳеч ким йўқ эмиш!
Мудирни қойиди — суҳбат ўтказди.
Сўнгра юмшаб деди: — Бошлаворинг иш,
Тезда тузатинг! — деб чойнак тутқазди...

ГАП БУ ЁҚДА ЭКАН

(ҲАЗИЛ)

Бетоб бўлиб қолса одам ноилож,
Касалхона деган жойга боради.
Ётмасликка минг хил кўрсатса ҳам важ,
Меҳрибон врачлар олиб қолади...

Менга ҳам дуч келди врач меҳрибон,
Билимдон, ширинсўз, ғамхўр отамдек.
Бошланди уколлар ва дори-дармон,
Тўрт ҳафтада сонга кирдим одамдек.

Мана энди уйга бўлади кетсам,
Аммо, жавоб бермас севган врачим.
— Доктор, жавоб беринг кетайин! — десам,
— Ҳали эрта!— дейди. —Йўқдир иложим!

Ялиндим-ялвордим, қилиб кўрдим дўқ,
Афсус, илтимослар бўлди фойдасиз.
Доктор қатъий туриб деди: — Жавоб йўқ,
Ўз фойдангизни Сиз сира билмайсиз!

Мен ҳам қатъий турдим: — Тамом, айтсам-чи,
Бош врач олдига кириб ҳозироқ!
— Сизга жавоб берсам, бўлсам навбатчи,
Ким билан мен шахмат ўйнайман, ўртоқ!!

ТЕШИККУЛЧАНИНГ ТЕШИГИ ҚАНИ?

(ПАРОДИЯ)

Қўлингдаги кулчани
Тенг иккига бўла қол.
Кулчасини менга қўй,
Тешигини ола қол.

Қамбар ЎТАЕВнинг «Тешиккулча» шеъридан.

Шоир ука, Ўтаев Қамбар,
Бу шеърингда нима маъно бор!
Сен айтгандай тешиккулчани,
Тенг иккига бўлдик биз уни.

Мана, унда тешик қолмади,
Шу важ ҳеч ким олабилмади...
Келиб чиқиб тажрибангдан зўр,
Бўлишайлик:(сахийликни кўр!)

Олган бўлсанг шу шеърингга нақ,
Пул-мул, яъни қаламга ҳақ-пақ.
Пул, ҳақ бизга, (келмасин малол),
«Мул»ни, «пақ»ни ўзинг ола қол!...

ЮБИЛЕЙ...

ФЕЛЬЕТОН

Шаҳар марказида магазин улкан,
Эрта-кеч қайнайди савдою-сотиқ.
Биноси муҳташам, атрофи кўркам,
Маданий хизматда ўн йилдан ортиқ...

Бугун магазинда катта тантана,
Тўпланган жамики савдо ходими.
Бошқармадан келган вакиллар яна,
Нишонланар бунда — тарих одими...

Осиғ турар тўрда эркак пальтоси,
Олинган магазин очилган куни.
Маҳаллий фабрика маҳсулоти ул,
Ўн йилки ҳар куни кўрасиз уни!..

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Тингланг, томоша қилинг

28 МАРТ, ЖУМА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.45 — Мультфильмлар. 10.15— Концерт. 10.45 — «Будулайнинг қайтиши». Бадиий фильм. 2-серия. 12.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.35 — «Болакайлар». Бадиий фильм. 2-серия. 16.40— «Рус тили». 17.10 — «Эрмитаж». 17.45 — Концерт. 18.30— «Ҳамдўстлик». 19.00 — Мультфильм. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Сиз бунга қодирсиз». 20.20 — «Будулайнинг қайтиши». Бадиий фильм. 3-серия. 21.30—«Время». 22.05 — «Будулайнинг қайтиши». Бадиий фильм. 4-серия. 23.10 — «Дунё воқеалари». 23.25 — «Давр ва ўзим ҳақимда».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — «306-иш». Бадиий фильм. 10.35 — «Онамларнинг мактаби». 11.05 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.50 — Рус халқ эртаклари. 12.30— Инглиз тили. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13.20 — «2-«А» синфдаги кучли шахс». Бадиий фильм. 14.25 — Кемерово телевидение студиясининг программаси. 15.25 — «Яшаш — фикрлаш, ижод қилиш демакдир». 15.55 — Илмий-оммабоп фильм. 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — «Ҳамма учун, ҳар бир киши учун». 19.30 — «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». 20.00 — «Инсон ва қонун». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45—Реклама. 20.50 — «Оптимал вариант». 21.15— «Ёзги вақтга ўтиш ҳақида». 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар». 8.00 — «Ўринбосарлар улгаймоқда». 8.20 — «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 18.15 — Янгиликлар. 18.30 — «Ленин ҳақида ҳикоялар». 18.40 — Мультфильм. 18.50 — «Авлодлар эстафетаси». 19.00 — «Халқ контроли экрани». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Вўстон». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Инсон ва замин». 23.05 — «Бугун оламда нима гап?»

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.20 — Москва-II. 17.00 — «Қувноқ стартлар». 17.55 — Биринчи космик парвозининг 25 йиллигига. 18.25 — Ўзбек мактабларида рус адабиёти. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — «Хат ва ҳаёт». 19.40 — Ритмик гимнастика. 20.00—КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга! 20.30 Теленовеллалар театри. 21.30 Москва-II.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Меҳнат шарофати». 9.30 — «Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар». 10.15 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 11.15 — «Юность». 12.10 — «Ўзбекистан индустриальный». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 «Мактабим — фахрим». 16.00 — «Жаҳон кезган санъаткор». 17.00 — Ўқувчилар учун эшиттириш. 18.15 — Фан уфқлари. 18.30 — Куйлардан қўшиқларга. 19.25 — «Мароқли дам — меҳнатга ҳамдам». 19.50 — Халқаро кундалик. 21.15 — «Ёшлик». 22.30 «Камон багридаги қўшиқ».

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.